

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК – ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**"И=тисодиёт ва менежмент" кафедраси**

**«КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ»**

(Маъruzалар матнларининг туплами)

**Карши шахри - 2004 йил.**

**Тузувчи:**

**ассистент А.Д.Равшанов**

**Такризчилар:**

**И.Ф.Н. А.С.Турдиев**

**И.Ф.Н.доц И.Хушманов**

Маъruzалар матнлари туплами "Бухгалтерия щисоби ва аудит" таълим йуналишидаги бакалаврлар учун мулжалланган булиб, унда ушбу фан буйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кузда тутилган барча маъruzаларнинг асосий мазмуни ёритилган.

Ушбу маъruzалар матни "Иктисодиёт ва менежмент" кафедрасида (2004 йил \_\_\_\_\_ №\_\_\_\_\_ мажлис баёни) ва "Иктисодиёт" факультети услугубий комиссиясида (2004 йил \_\_\_\_\_ №\_\_\_\_\_ мажлис баёни) куриб чикилган ва маъкулланган.

Маъruzалар матни туплами КМИИ нинг услугубий кенгаши томонидан укув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

**Фан быйича режалаштирилган маъruzалар мавзуси ва улар учун  
ажиратилган соат**

T/p	Маъruzалар мавзуси:	Ажиратилган соат
<b>1.</b>	<i>Кириш: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фанининг предмети ва вазифалари.</i>	<b>2</b>
<b>2.</b>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ташкилий ўз-у=ий шакллари.</i>	<b>2</b>
<b>3.</b>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини давлат тамонидан щимоя =илиниши</i>	<b>2</b>
<b>4.</b>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бизнес режа</i>	<b>2</b>
<b>5.</b>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини кадрлар билан таъминлаш</i>	<b>4</b>
<b>6.</b>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаш ва кредит билан таъминлаш хусусиятлари</i>	<b>2</b>
<b>7.</b>	<i>Кичик бизнесда инвестицияларнинг лойищавий ташлили</i>	<b>2</b>
<b>8.</b>	<i>Кичик бизнесда банкротлик</i>	<b>2</b>
<b>Жами соат:</b>		<b>18</b>

### ***Аннотация***

Ушбу маъруза матнида тадбиркорликни ривожлантиришнинг, ташкилий, хукукий асослари атрофлича куриб чиқилган. Кичик бизнес соҳасида хужалик субъектларини ташкилий жихатдан тугри расмийлаштириш, бизнес режа ишлаб чикиш тартиби, лойихавий тахлил концепцияси ва услублари шунингдек инвестицион лойихаларни урганишда экспертиза килиш йули йурисклари батафсил баён этилган.

Тадбиркорликни молиявий томонларга, тадбиркорлик фаолиятида менежмент масалаларига катта урин берилган.

### ***Аннотация***

В тексте лекций полностью охвачено развитие предпринимательства, его организационные и юридические основу полностью изложены в сфере малого бизнеса путем изучения и экспертизы инвестиционных проектов, а также их методу, концепция проектного анализа, правильное оформление с организационной точки зрения хозяйственных субъектов.

Главной места удалено финансовой стороне предпринимательства, а также финансовому задачам в сфере предпринимательской деятельности.

### ***Annotation***

Organizational legal bases of developing lectures the of entrepreneurship is widely coincided in this collection of lectures. Correctly droving up the documents about the form individuals from the organizational side in a small business, the order of working out a business plan, designing analyze conceptions and methods, teaching direction instructions for exporting in design investment plans are also completely shown here.

Financial aspects of entrappre entrepreneurship, management problems in the entrepreneurship actions activity are also greatly confided.

## **КИРИШ.**

Бозор муносабатларини жамият микёсида шаклланиб бориши мулкни хусусийлаштириш, халк хужалигида куп укладли иктисадни яратишни, ишлаб чикиришни бозор талабига биноан кайтадан ташкил этиш, иктисадиётда бошкаришни иктисадий усуллар ёрдамида олиб бориш, ахолини турли туман товарларга ва хизматларга булган талабини кондириш, кичик корхоналарни юзага келиши нодавлат секторни ривожлантириш заминида юз беради.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда халк хужалигининг барча тармокларида кичик тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш оркали иктисадий юксалиш илдам кадамлар билан амалга ошди. Дунё тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, кичик тадбиркорлик корхоналари, урта ва йирик корхоналарга нисбатан бозор талабига киска муддат ичидан мослаша олади, меҳнатни ташкил этиш, янги техникани ва технологияни ишлаб чикиришга жорий этиш, янги ишлаб чикириш кувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш кичик корхоналарда бошкаларга нисбатан тезда рӯёбга чикади. Иктисадиётда кичик тадбиркорлик корхоналарини фаолият курсатиб ишлаши йирик корхоналарни айрим харажатлардан холос этиб, куп холларда йирик корхоналарда кулланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда кулланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда кулланилиши купрок самара беради. Шу максадда тадбиркорлик фаолиятини хар томонлама ривожлантириб бориш максадга мувофиқдир. Бунинг учун кичик корхоналарни бозор иктисадиёти шароитидаги урни, уни турли мулкчилик муносабатлари шаклланган жамиятдаги роли кичик бизнес корхоналарини турлари хукукий ва иктисадий, молиявий омиллар, ташки иктисадий экспорт-импорт операциялари олиб боришдаги ахамияти назарий жихатдан урганилиши ва кичик корхоналар тугрисидаги таъминот бозор талаби тугрисидаги таъминот бозор талабидан келиб чиккан холда амалиётда кулланилиши зарурдир.

Бозор талаби турли мулкчилик корхоналари фаолиятини ракобат кураши асосида ривожланишини. Хар бир мулк эгасини уз корхонасида хужалик юритишни, замонавий бошкариш усулларини куллаган холда олиб боришни, янги техникадан фойдаланиш, замонавий технологияни ишлаб чикиришга жорий эта бориб. Ишловчиларни маоака даражасини юксалтириб, меҳнат бозоридан юкори профессионал мутахассисни ёллашга давлат ва жамият замин хозирлаши объектив заруриятга айланбаоради.

Ушбу маъruzалар матнида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишидаги айрим масалалар тугрисидаги фикрлар баён килинади.

## **1 - Мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фанининг предмети ва вазифалари.**

**Р Е Ж А :**

- 1.Узбекистон Республикасида бозор иктисодиётига утишининг асосий йуналишлари.**
- 2.Бизнес хакида тушунча, унинг турлари ва тутган урни.**
- 3.Тадбиркорлик тугрисида тушунча. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.**
- 4.Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.**

**Адабиётлар: 1,2,3,5,8,12**

### **Таянч иборалар:**

Бозор, бизнес, тадбиркорлик, хусусий мулк, кредит, кризис, ишсизлик, хусусий тадбиркорлик, аралаш тадбиркорлик, кушма тадбиркорлик, шартномавий тадбиркорлик.

### **1.Узбекистон Республикасида бозор иктисодиётига утишининг асосий йуналишлари.**

Яшаб турганимиз хозирги давр узгаришлар давридир. «Бизнес», «Тадбиркорлик», «Тижорат» сўзларини якиндагина хам мутахассислардан ташкари амалда хеч ким тилга олмас эди. «Хусусий мулк» тушунчасидан одамлар худди балодан куркандек куркишар эди. Кризислар, ракобат, ишсизлик деган нарсалар асосан капиталистик тузумга характерли категориялар деб хисобланади. Социалистик лагерга кирмайдиган мамлакатларнинг тажрибаси ва кулга киритган ютуклари тугрисида умуман лом-мим дейилмас, дейилмаса хам танкидий нуктаи назардан туриб ва жуда эҳтиёткорлик билан гапирилар эди. «Кишиларнинг уз манфаатлари жамият (давлат) манфаатларидан кейин туриши керак» деган тамойил одамлар кулогига мактаб ёшидан бошлаб куйиб борилар эди.

1980-йилларнинг охирлари ва 1990 – йилларнинг бошлари купгина мамлакатлар ва аввало собик социалистик лагер мамлакатларнинг хаётида, айтиш мумкинки, авваллари хеч мисли куринмаган узгаришларни бошлаб берди.

Гарбдаги купгина мамлакатлар, хозир эса Шарқдаги бир канча мамлакатлар хам тадбиркорлар ва бизнесни, бозор иктисодиётини йулга

куйганликлари туфайли иктисодиёт ва техникада улкан муваффакиятларни кулга киритганини шу мамлакатларнинг тажрибаси курсатиб турибди.

Узбекистон хам мустакилликка эришгандан кейин уз иктисодиётини ривожлантиришнинг ана шундай йулини танлаб олди.

Узбекистон Республикаси бозор иктисодиётига утишнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чикилган асосий йуналишлар ва уларни амалга ошириш билан иш бошлади. Ишлаб чикилган бу йуналиш жаҳон микёсида катта ахамиятга эга булиб, бозор иктисодиёти шароитида барча тармокларни ривожлантиришга кенг йул очиб берди. Бу йуналишнинг негизида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, конуннинг устиворлиги, хамда кучли ижтимоий сиёsat намоён булди. Бирок иктисодий ислохотлар давомида бажарилиши керак булган вазифалар хали анчагина.

## ***2. Бизнес хакида тушунча, унинг турлари ва тутган урни.***

Утган икки аср давомида тадбиркорлик илми ва амалиёти бир кадар жадаллашган тарихга, тажрибага бой даврни босиб утди. Ракобатни тобора кенг куллашда ва мазмунда таъминлашда булган талаб фирмалар истикболини белгилаб фирмалар такомиллашган, самарали режалаштириш услугларини вужудга келишига сабаб булди. Албатта замонавий бизнес узининг дастлабки илк боскичидаги вазифалардан ва маъсулиятидан кескин фаркланади. Бинобарин, стратегияни белгилашда ва аниклашда фирманинг уз олдига куйган максадлари, вазифалари, маъсулиятини тугри англаш лозим.

Тадбиркорлик фаолияти ва уни турли даврлардаги ривожини истикболи ва стратегиясини белгилашда фирмалар олдига турли вазифаларни кўйди, хусусан, АҚШда тадбиркорлик фаолиятини ривожини беш узаро фаркланувчан масалага ёндошишни енгиллаштиради:

1. Техникавий илк куролланиш даври. 1820-1900 йилларни уз ичига олган ушбу даврда барча саноат соҳаларида революцион узгаришлар, янги техник воситаларига асосланган ишлаб чикириш бунёдга келди. Хусусан пулат эритиш, пахта тозалаш, тукимачилик, автомобилсозлик соҳаларида юкори техник жихатдан куролланган янги турдаги ва шаклдаги ишлаб чикириш вужудга келди.

2. Оммавий ишлаб чикириш даври. 1900 йилдан бошлаб асримизнинг 30-йилларини уз ичига олади. Бу даврда тадбиркорлик фаолиятининг асосий йуналиши оммавий ишлаб чикиришни тобора самарали шаклда барпо этишга ва маҳсулот

таннархини камайтириб бориш борасидаги уринишлар билан ифодаланади. Ушбу даврда конвейр услубидаги ишлаб чикириш ва меҳнатни илмий ташкил этишга булган эътибор янада кучайди ва у асосий муваффакият гарови сифатида белгиланди. Давлат томонидан ракобатни таъминлашнинг илк тадбирлари ишлаб чикилди.

3.Оммавий ахборотлар даври. Асримизнинг 30 йилларидан то 50 йилларигача давом этиб, у тадбиркорлик фаолиятида асосий эътиборни ишлаб чикиришдан бозор талаблари, тайинли харидор эҳтиёжлари сари йуналтиришни талаб этди. Асосий вазифа уз вактида шаклланган талабни сеза билиш ва уни кондириш буйича ишлаб чикиришни ташкил этишдан иборат булди. Айнан шу даврда илк маркетинг назарияси амалиёти карор топди.

4. Юкори индустрисаллашган давр. 50 йилдан то 70 йилларнинг урталаригача булган муддатни уз ичига олади. Бу даврда тадбиркорлик фаолияти ривожланиш соҳалари, даражасини кенгайиб туриши билан ажратиб туради. ишлаб чикиршинг таркибий тизимини ташкил этиш, технологик омилларни асосий ракобатчилик кураш воситасига айланиши ушбу даврга хос булган хусусиятдир. Фирмани бошкаришга ташки ва ички мухит, талабларини купрок инобатга олиш, ишлаб чикиришни давомий техник кайта куроллантириш каби вазифаларга купрок эътибор каратилди. Тармоқдаги технология, талаб ва бозор шароитларига мослашиш учун самарали стратегияни танлаш ва амалга ошириш зарурияти амалий жихатдан илк бор вужудга келди.

5. Замонавий тадбиркорлик даври. 70 йилларнинг урталаридан бошлаб вужудга келаётган янги узгаришлар жараёнини уз ичига олади. Бизнес кенг куламда халкаро тус олди ва бу интернационализация жараёни сифатида шаклланди. Фирма бошкаруvida, унинг келгуси равнакини белгилашда мукобил ривожланиш соҳалари буйича хам чора-тадбирларни амалга оширишинг диверсификация сиёсатининг куриниши сифатида амалиётда урин танлай бошлади. Тадбиркорликка булган жамиятнинг талаблари, ижтимоий маъсулияти мезонларининг етакчи ахамиятга эга булиб бориши уз навбатида стратегик режалаштиришнинг янги услублари ва жихатларининг яратилишини талаб этди.

Бозор иктисодиётига утиш, объектив заруриятдир. Факат шу йул билангина иктисодий муоммаларни хал килиш илгор техника ва технологияга хамда самарали ишлаб чикиришга эришиш мумкин.

Бозор иктисодиётига, утиш биздан илгор индустрисал давлатлар тажрибасидан фойдаланишни талаб этади. Лекин хеч кандай тажрибани курсона, махаллий шароитнинг узига хос хусусиятини хисобга олмасдан жорий килиб булмайди.

Бозор иктисодиётига утиш зарурияти кандай пайдо булди? Иктисодиётнинг ута марказлашуви маъмурий буйрукбозлик тизими узини окламади. Иттифок даврида мамлакат оғир инкиrozга юз тута бошлади. Дунёда кудратли техника инкилоби давом этди. Мамлакатимизда эса иктисодиётни бошкаришдаги маъмурий-буйрукбозлик усули билан фан техника тараккиёти рад этиладиган холатга тушиб колади. Бунинг устига

инсон камолотига ташаббусига омилкорлик курсаткичига ундейдиган жиддий шароитлар йук булган мухитга тушиб колишди.

### ***3. Тадбиркорлик тугрисида тушунча. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.***

Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг моллар ишлаб чикириш ва хизматлар курсатиш хамда фойда, даромад олишга каратилган амалдаги конунлар доирасида ташаббус билан фаолият курсатишдир.

Тадбиркорлик билан шугулланишдан асосий максад фойда олишдан иборат. Ушбу максадга эришиш учун тадбиркор уз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилик учун зарур булган маҳсулотларнинг ишлаб чикиришга, харид килишга, ракобатлашувда фаол катнашишга харакат килади.

Бозор шароитида тадбиркор уз фаолиятини узи мустакил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти бошкалар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чикирилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, курсатилаётган хизматга булган талабларни хисобга олиб, тараккиёт истикболларини узи шахсан белгилайди. Бундай вазифани бекаму куст амалга ошириш ундан барча холатда юкори малакали кобилият ва фаол ташаббус курсатиш талаб этади.

Тадбиркорлик ривожланган жамиятда мулк эгалари купайиши мол-мулкни талон-тарож килгандан кура, уни авайлаш ва купайтириш иктиносидай жихатдан хамма учун маъкул булади.

Тадбиркорлик деганда унинг утишидаги купол ёввойи шакллари эмас, балки замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари хакида гап кетади. Узбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тугрисида»ги конунида тадбиркорлик шакллари хакида фикр юритилган. Улар куйидагилардан иборат:

- якка тартибдаги фаолият;
- ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;
- бир гурух фукаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги ёки хамкорликдаги тадбиркорлик.

Мазкур шархланаётган моддалар тадбиркорликни асосан уч хилдаги шаклларда амалга оширишнинг тартибини белгилайди. Конун тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг имкониятлар яратиш максадида фукаролар ва юридик шахсларнинг узларига макбул булган шаклларда тадбиркорлик буйича иктиносидай фаолиятни амалга оширишларини назарда тутади.

Конунда белгиланган тадбиркорлик шаклларининг узига хос хусусияти булиб, иктиносидай фаолият юргизишда меҳнатни ташкил килишга, якка

тартибдаги, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосидаги, бир гурух булиб ёки хамкорликдаги тадбиркорлик шаклларини уз ичига камраб олади.

#### ***4. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.***

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуналишларидан куйидагиларни айтиб утишимиз мумкин.

1. тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар учун максадли кредитлар бериш (хар хил муддатларга).

2. ишлаб чикаришни етарли ресурслар билан таъминлаш.

3. ишлаб чикариш технологияси ва асбоб-ускуналарни етказилишига ёрдам бериш.

4. тадбиркорлик хукуклари ва билим савияларини чукур урганиш ва ошириб бориш учун кадрларни кайта тайёрлашни ташкил этиш.

5. чет эл тажрибаларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш.

#### ***Палабаларнинг уз-узини текшириш саволлари.***

1. Тадбиркорлик билан бизнесни фаркини айтинг.
2. Тадбиркорликни кандай турлари мавжуд?
3. Тадбиркорлик кандай тамоилларга асосланади?
4. Узбекистонда тадбиркорлик тарихи тугрисида нималар биласиз?
5. Хусусий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
6. Жамоа тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
7. Аралаш тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
8. Кушма тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
9. Шартномавий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
10. Тадбиркорлика ишбилармонлик кандай амалга оширилади?

#### **Мундарижага кайтиш**

## **2 - Мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ташкилий хукукий шакллари.**

**Р е ж а :**

**1.Хукукий тадбиркорлик тугрисида тушунча.**

**2.Кичик корхоналар. Шерикчилик ва жамоа кичик корхоналари.**

**3.Хиссадорлик жамияти. Очик ва ёпик турдаги хиссадорлик жамияти.**

**4.Фирмалар, корпарациялар.**

**Адабиётлар: 1,2,5,6,9**

**Таянч иборалар:**

Фирма, корпарация, лицензия, хиссадорлик жамияти, бозор коньюктураси, очик хиссадорлик жамияти, ёпик хиссадорлик жамияти.

### **I. Хукукий тадбиркорлик түгрисіда тушунча.**

Кичик бизнесда тадбиркорликни ташкил килишнинг энг оддий шакли бу якка хусусий тадбиркорлиқdir.

Хусусий тадбиркорлик – хужалик юритишнинг шундай ташкилий - хукукий шакли, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила булади ва фаолиятидан келган даромадни (соликлар туланганидан кейин) хаммасига эгалик килади, колаверса бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун якка узи жавоб беради.

У икки хил куринишда ташкил килиниши мумкин.

1-Индивидуал – яъни корхона ташкил килмасдан.

2-Хусусий корхона – яъни юридик шахс ташкил килган холда.

Хусусий тадбиркорликнинг афзalлklari:

1-Ишни ташкил килишдаги оддийлик, тула мустакиллик, харакатдаги эркинлик ва тезкорлик.

2-Ишга кизиқтирувчи сабабларнинг куплиги, чунки барча фойда факат мулкнинг ёлгиз эгасига келиб тушади ва у купрок ишлашга рагбатлантиради, иш устидан керакли назорат урнатиш, эхтиётлик билан карор кабул килиш ва иш куламини янада кенгайтиришга интилади.

3-Ишдаги махфийлик сакланади. Баъзи бир бизнес турларида махсус услуг, йуллар технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини ташкил килади. Хусусий тадбиркорлик махфийликни саклашга имкон яратади.

4-Хусусий тадбиркорлиқда унинг ташкилий хукукий шаклини узгартириш нисбатан енгил кечади. (Масалан, маъсулияти чекланган жамиятлар тузиш).

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари:

1-Заиф молиявий пойdevорга эгалиги. Бу катта микдордаги капиталларни жалб килишдаги кийинчиликларга сабаб булади.

2-Хужалик фаолиятида хавф-хатар ва таваккалчилик юкори даражада булганлиги сабабли фаолият давомийлигини ноаниклиги.

3-Барча хужалик фаолияти учун чекланмаган жавобгарликнинг хукм суриши.

4-Якка хужалик мулкининг мулкни бошка шахсга (масалан: бошка оила аъзоларига) беришда нокулайлиги, ихчам эмаслиги.

5-Мулк эгасининг меҳнатга нолойик булиб колиши ёки ишдан четланиши холлари юз берганда якка хужалик мулки таркибини саклаб колиш мушкуллиги.

Юкоридаги камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол-мулки, касб ёки капиталларини кушиб бирлашадилар.

### ***III. Хиссадорлик жамияти. Очик ва ёпик турдаги хиссадорлик жамияти.***

Хиссадорлик (акционерлик) жамияти-бу жисмоний шахслар капиталларнинг бирлашуви булиб, у акциялар чикириш йули билан бунёд этилади. Акциялар фонд биржаларда муомалада булади. Бир шахсдан иккинчисига эркин утади ва акциядор учун унинг хиссаси хакидаги хужжат хисобланади.

Жамият мажбурияти буйича факат жамиятнинг узи-уз мулки билан жавоб беради. У очик ёки ёпик булиши мумкин.

Хиссадорлик жамияти-бу бизнеснинг купрок демократик шаклидир, чунки бевосита ёки обуна булиш йули билан акция сотиб олиш ва корхонада мулк эгаси булишга исталган инсон эришиш мумкин.

Хиссадорлик жамияти шундай хужалик жамиятини, унинг низом фонди жамиятнинг номинал кийматини маълум акциялар сонига таксимланган булади ва мазкур фонд ушбу акцияларни сотиши оркали шаклланади.

Хиссадорлик жамияти икки хил булади.

1-Очик хиссадорлик жамияти – унинг акциялари очик ёки обуна булиш йули билан сотилса, кимматбаҳо когозлар бозорида конундан ташкари хеч ким томонидан чекланмай эркин савдо-сотик килинса бу очик хиссадорлик жамияти хисобланади.

2-Ёпик хиссадорлик жамияти-унинг акцияларини кимматбаҳо когозлар бозорида муомалада булиши жамият низомига биноан маън этилган ёки чекланган булса ва у, факат эгаси ёзилган акциялар чикарса бу ёпик хиссадорлик жамияти хисобланади.

Хар иккала хиссадорлик жамияти низом капиталининг энг кичик миқдори, давлат конуни хужжатларидан ташкари хеч нарса билан чекланмайди.

Очик хиссадорлик жамиятини бошка турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас. Ёпик хиссадорлик жамияти эса уз акцияларига очик обуна

утказиш ёки ularни фонд бозорига сотиш учун чикариш йули билан очик хиссадорлик жамиятига айлантирилиши мумкин.

Акцияларга очик обуна утказиш оркали очик турдаги хиссадорлик жамиятини бунёд этиш учун куйидагилар зарур.

1-Жамият ташкил килиш ва биргаликда фаолият курсатиш хамда, битта ёки бир неча шахсга жамиятни бунёд этиш учун ваколот бериш түгрисида шартнома тузиш.

2-Акцияларга обуна утказиш, таъсис конференциясини утказиш, жамият ва унинг акцияларини давлат руйхатидан утказиш.

Жамиятни бунёд этишдаги харажатлар жамиятни бунёд этишида пайдо булган жавобгарлик жамият тузиш түгрисидаги шартномага кул куйган шахсларга юклатилади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш оркали куйидаги үсуллар билан хиссадорлик жамияти бунёд этилиши мумкин:

1-оддий йул билан-бунда фукаролар ёпик ёки очик хиссадорлик жамиятларнинг объектларини аукцион оркали ёки конкурс йули билан сотиб олиш билан яратади.

2-Давлат корхонаси меҳнат жамоаси томонидан ёпик хиссадорлик жамиятини бунёд этиш ва ушбу юридик шахс томонидан корхонани сотиб олиш йули билан.

3-Давлат ёки ижара корхоналарини очик хиссадорлик жамиятларига айлантириш йули билан.

Барча жамоа корхоналари учун куудаги умумий жихатлари мавжуд.

-Низом капиталининг топишли булакларга ёки акцияларга, мажбурий булиниши.

-Жамиятнинг уз мажбуриятлари буйича факат узининг мулки буйича чекланган жовабгарлиги.

-Акциядорлар орасида узаро муносабатлар, даромад ва мулкни таксимлаш, корхонани бошкариш буйича муносабатлар уларнинг киритган унумлари миқдорига караб таксимланади.

-Жамият аъзолари (акциядорлар) унинг капиталига уз унумларини киритишлари зарур, аммо уз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

#### **IV. Фирмалар, корпарациялар.**

**Фирма**-товар ишлаб чикариш ёки хизмат курсатиш максадида иктисадий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир. Мулк эгасининг тавсифига кура куйидаги турдаги фирмалар мавжуд; давлат хусусий тадбиркорлик ва капиталистик фирмалар, буларнинг асосий максади барча туловлар амалга оширгандан кейинги даромадни купайтириш, киритилган капиталдан олинадиган фойдани ошириш ва меҳнатдан келадиган даромадни юксалтиришдан иборат.

Кичик бизнесда фирмалар одатда юкори технологик ишлаб чикаришни бунёд этиш билан банд. Улар узларига хос хужалик юритиш услубларидан фойдаланадилар. Уларнинг хужаликфаолиятини бошкариш стратегияси туртта асосий кисмдан ташкил топган.

1-Тараккиёт топаётган ва юкори технологияга эга булган фирмалар ракобатга кизикмайдилар, шунинг учун улар тор ихтисослашган маҳсулотлар ишлаб чикариб бозорнинг юкори даромадли кисмини эгаллашга интиладилар.

2-Фирмалар исталган усул ва воситалар билан уз харакатларни камайтиришга интиладилар.

3-Кичик фирмаларнинг купчилиги ишлаб чикаришни битта маҳсулот ёки технология атрофида уюштиради. Уларнинг вазифаси ушбу маҳсулот ёки технологияни истеъмолчининг узаро хос эҳтиёжларига мослаштиришдан иборат булади.

4-Фирмалар иложи борича бегона капитални камрок жалб килишга узларининг мустакиллигини саклаб колишга харакат каладилар.

**Корпаратия**- бу умумий касбий ёки табаковий манфаатлар асосида бирлашган шахслар жамияти уюшмаси ёки грухидир. Тижорат ёки нотижорат корпаратиялар булиши мумкин. Нотижорат корпаратияларга хокимият, сиёсий ташкилотлар, хайрия, диний маориф ва шунга ухшаш муассасалар киради. Тижорат корпаратиялар хиссадорлик жамиятлари каби очик ва ёпик турларга булинади. Очик корпаратияда кушимча капитални жалб этиш учун акциялар эркин сотилади.

Корпаратияларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1-Бозор конъюктурасини урганиш ва харакат стратегиясини аниклаш;

2-Илмий техникавий тараккиёт дастурларини амалга ошириш оркали эришилган фан техника тараккиёти натижаларини ишлаб чикаришга тадбик этиш;

3-Ресурсларни ва корпаратиянинг хужаликлараро корхоналарида ишлаб чикарилган нарсаларни марказлаштирилган холда таксимлаш ва узининг хусусий тижорат булинмалари оркали таркатиш.

4-Хужалик механизмини такомиллаштириш ва бошкалар.

### Палабаларнинг уз-узини текшириш саволлари.

1. Тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи кандай конунларни биласиз?

2. Тадбиркорлик тугрисидаги конун неча ва кандай моддаларни уз ичига олади?

3. Хужалик юритувчи субъектларга лицензия бериш тартиби кандай?
4. Кайси холда корхона ташкилий жихатдан расмийлаштирилган деб хисобланади?
5. Тадбиркорлик кандай хукукларга эга?
6. Тадбиркорликнинг мажбуриятлари нимадан иборат?
7. Кимларга тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш такикланади?
8. Кандай холларда тадбиркорлик фаолияти суд оркали тухтатилади?
9. Тадбиркорлик макомини олиш шартлари.

### Мундарижага кайтиш

## **3 - Мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан химоя килиниши.**

**Р е ж а:**

- 1.Тижорат сири конун-коидалари баҳоланиш мезонлари ва маъноси.**
- 2.Тижорат сирини муҳофаза килиш ва ракобатчилар тугрисида маълумотларни конуний равишда олиш усуллари.**
- 3.Ихтиро ва рационализаторлик таклифлари муаллифлик хукукини химоя килиш.**
- 4.Махсулотни сертификация килиш.**

**Адабиётлар: 2,5,8,9,11**

### Таянч иборалар:

Бозор иктисодиёти, кредит, даромад, маҳсулот таннархи, ихтиро, рационализаторлик, сертификация, сифат сертификати.

#### **I. Тижорат сири конун-коидалари баҳоланиш мезонлари ва маъноси.**

Бозор иктисодиётида ахборот товар хисобланади. Уни олиш, саклаш, бирорвга етказиш ва ишлатиш товар-пул муносабатлари конунларига буйсуниши керак. Хар бир мулк эгаси уз манфаати ва тижорат сирини саклаш ва химоя килиш хукукига эга.

Хужалик юритувчи субъектлар тижорат сири бу- давлат сири булмаган маълумотлар булиб, у ишлаб чиқариш, технология, ахборот, бошкарув, молиявий, ташки иктисадий, илмий техникавий ва бошка фаолиятлар билан

боглик ва рухсатсиз ошкор килиниш ва ишлатилиши корхонанинг ёки тадбиркорликнинг манфаатига зарар келтириши мумкин булган маълумотлардир.

Тижорат сирининг давлат ва харбий сирлардан фарки шундаки, у аник хужалик юритувчи субъектнинг мулкидир. Унинг асосий вазифаси ишбилармон ёки корхона учун ракобат курашида иктисадий устуворликни таъмин этишдир.

Тижорат сири булиб хисобланган маълумотларнинг таркиби ва хажми хамда уларни химоя килиш тартиби хужалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади.

У ёки бу ахборотни тижорат сири даражасига кутаришда иккита холни хисобга олиш зарур:

1. Амалиётда, тижорат сирини саклаш никоби остида, хужалик юритувчи субъектлар турли сустеъмол килиш, хужасизлик окибатларини ва бошка конунбузарлик тугрисидаги хужжатлар ва маълумотларни ошкор килмасликлари хам мумкин. Бундай холни бартараф этиш учун тадбиркорлик субъектлари ва уларни назорат килувчи идоралар уртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш буйича умумдавлат даражасида маҳсус бошкарув назорат тизимини бунёд этиш зарур.

2. Бозор муносабатларига утилган сари корхоналар учун ахборотларни сир саклаш иктисадий нуктаи-назардан максадга мувофик булмайди. У, купрок маълум нарҳдаги истеъмолчи талабига эга булган бозорбоп товар сифатида намоён булади. Баъзи бир саноати тараккий топган давлатларда ялпи миллий даромаднинг ярмига якини турли хил ахборотларни ишлаб чикириш, таркатиш ва кайта ишлаш билан boglik. Хужалик юритувчи субъектларнинг тижорат сири хисобланувчи ва сакланиши керак булган маълумотлари куйидаги баҳолаш мезонларига тугри келиши керак:

- Улардан очикдан-очик фойдаланиш корхонага зиён келтириш.
- Улар конун асосида хаммага маълум ёки хамма фойдаланиши мумкин булган маълумот булиб хисобланмайди.
- Корхоналар иктисадий ва бошка самарани кузда тутган холда уларнинг конфиденциаллигини (маҳфийлигини) саклаш чора тадбирларини амалга ошириши мумкин.
- Ушбу маълумотлар химояланишга мухтоҷ, чунки улар давлат сири хисобланмайдилар.
- Ушбу маълумотларнинг ошкор килиниши давлатга зарар етказмайди.

Тижорат ахборотнинг умумий хажми иккита блокка ажратилади. Улардан бири илмий техникавий ва технологияга оид ахборотларни, яъни машина ва дастгоҳлар конструкцияси, ишлатиладиган материаллар; ишлаб чикириш усул ва услублари; ЭҲМни дастурий таъминлаш хакидаги маълумотларни уз ичига олади.

Тижорат ахборотларнинг иккинчисига уз ичига куйидагиларни олади: Корхонанинг молияси (Молиявий хисобот, кредитлар, даромад, маҳсулот таннархи ва бошкалар). Ишлаб чикиришни ривожлантиришнинг стратегик ва тактик режалари шу жумладан, янги технология: Маҳсулот ишлаб чикириш ва сотиш хажми режаси; уз маҳсулотининг ракобатдошлиги (тахлил килиш) экспорт ва импорт самарасини бозорга маҳсулот чикишининг тахлилий муддати ва бошкалар.

## ***II. Тижорат сирини муҳофаза килиш ва ракобатчилар тугрисида маълумотларни конуний равишда олиш усуслари.***

Хар кандай корхонада тижорат сирини химоя килиш тизимини яратишда куйидаги ишларни тугри ташкил этиш керак булади:

- Материаллар, тайёр маҳсулотлар ва айникса тажриба нусхаларининг баъзи бир турларини хисобга олиш ва химоялаш.
- Тижорат сирига эга булган хужжатларни юритиш (хисобга олиш, саклаш, ишлатиш ва йўқ килиш коидалари).
- Нусха кучирувчи ва хужжатларни купайтирувчи воситаларни назорат килиш.
- Алока воситалари ва хисоблаш машиналардаги тижорат сирини химоя килиш.
- Конфиденциал ахборотларни узатишда алоканинг очик каналларидан фойдаланиш тартиби.

- Бегона шахсларнинг ушбу корхонага келиб кетишини назорат килиш.

Конфиденциал ахборотларни химоя килиш учун фирма ноконуний хатти – харакатларнинг олдини олиш механизмини яратиши, яъни сигнал бериш (сигнализация) тизими, сирли хужжатларни саклаш жойларини блокировка килиш алоҳида килиб ажратиш воситалари (маҳсус хона, металл сейфлар) билан таъминлаш, компьютерларни пароль шифрлар билан химоя килиш керак. Конфиденциал ахборотни давлат органлари оркали окиб чикишини бартараф этиш учун тадбиркор куйидагиларни билиши лозим.

-Фирмаларнинг тижорат сири тушунчаси давлат идоралари (солик, молия, санитария инспекцияси ва бошкалар) хукуклари билан кандай муносабатда булиши.

-Адвокат, экспорт ва маслаҳатчилар качон ва канда таклиф килиниши ва уларнинг кандай шаклларда конфиденциал ахборот беришда иштирок этиш имкониятлари борлиги.

-Хизмат лавозимидағи шахслар, хукукни химоя килувчи идоралар ва давлат хизматчиларнинг устидан уларнинг хукукга карши булган харакатлари ва бунинг эвазига фирмага келтирилган заарнинг коплашнинг тартиб-коидалари ва бошкалар.

Шуни таъкидлаш керакки, корхонанинг тижорат сирини билиш ракобатчи ва бошка кизикувчи шахс томонидан хамма вакт хам факт хукукга

карши усуллар билан амалга оширилавермайди. Дунёда зарурий ва конфиденциал ахборотларни очик хукукий усуллар билан олишнинг яхши йулга куйилган механизми хам мавжуд. Бу очик нашрга ва эфирга тушиб турган ахборотни тахлил килишдир. Улар ичида кенг таркалган ва содда усулларга куйидагилар киради.

-Тадбиркорнинг очик матбуотдаги маколалари. Хар хил ярмарка ва кургазмадаги экспонатлари товар ва фонд биржаларидағи савдолари натижалари хакидаги маълумотлар, буш иш уринлари тугрисидаги эълонлар ва буш лавозимларга конкурслар эълон килиш тугрисидаги маълумотлар ва бошкалар.

Ривожланган мамлакатларда бу усулларга катта эътибор каратилади. Корхона рахбарлари ишлаб чикариш малакасига тегишли ахборотларни туплаш ва уни тахлил этиш учун маҳсус хизмат идораларини ёки маҳсус одамларни жалб этадилар, ёки шундай хизматни ташкил киладилар.

Бу хизмат фаолияти учун катта маблаглар сарфланади, аммо улар узларининг корхона учун кимматбаҳо булган ихтиrolарига килинадиган сарф-харажатларни камайтириш эвазига тезда узини-узи оклади. Масалан Япония давлати шу каби усуллар билан ахборот туплаб 20 йил давомида энг юкори сифатга эга булган ишлаб чикаришни бунёд этдилар.

### **III. Ихтиро ва рационализаторлик тақлифлари муаллифлик хукукини химоя килиш.**

Давлатимизнинг конун хужжатларига биноан хукукий химоя ихтиrolарига, агар у янги ихтирочилик даражасига эга ва саноатда ишлатилиши мумкин булса берилади. Ихтиро, янги деб агар у ариза берилган кунгача, унинг ва шунга ухшаш карорнинг моҳияти мамлакат ёки хорижда очилмаган булса тан олинади.

Янгилик дунё микёсида янги ва абсолют булиши керак, яъни ихтиrolар хозирда маълум булган техникавий даражанинг бир кисми булмаслиги керак. Бу барча турдаги очик ва яширин маълумотлар асосида солиштириш йули билан аникланади.

Ихтиро обьект куйидагилардан иборат: Курилма, усул, модда, микроорганизм штамми, усимлик ва хайвонларнинг янги хужайралари, аввалдан маълум курилма, усул, модда ёки штаммни бутунлай бошка максадларгда куллаш (ишлатиш).

Куйидагилар ихтиро деб тан олинмайди:

1. Илмий назария.
2. Хужаликни ташкил килиш усуллари ва уни бошкариш.
3. Шартли белгилар, жадваллар коидалар.
4. Аклий операцияларни бажариш усуллари.
5. Алгоритмлар, информацион дастурлар (ЭХМлар учун)

6. Имарат-иншоат, худудлар лойихалари ва планлаштирувчи схемалари.

7. Эстетик талабларни кондиришга каратилган ва махсулотларнинг фактатиши куринишга тегишли таклифлар.

8. Жамият манбаатлари, инсонпарварлик ва ахлок принципларига оид ечимлар.

Ошкор килиниш мамлакат хавфсизлигига зарар етказувчи маълумотларни уз ичига олган ихтиrolар Республика Вазирлар Махкамаси томонидан урнатилган тартибда махфийлаштирилиши зарур.

Ихтиронинг муаллифи деб узининг ижодий меҳнати эвазига уни яратган фукаро тан олинади.

Махсулот яратиш ёки узгартириш билан бодлик булган ва ишлаб чикириш технологияси ёки материаллар таркиби узгартирилишини кузда тутувчи хамда корхона (тармок) учун янги ва фойдали булган техникавий ечимлар хамда корхона учун янги хамда меҳнат хом-ашё, ёнилги энергетик ва бошка моддий ёки молиявий ресурсларнинг иктисад килинишни таъминловчи ташкилий карорлар рационализаторлик таклифи деб тан олинади.

Рационализаторлик таклифлари деб куйидагилар кабул килинмайди.

1. Шартли белгилар, коидалар, меъёрий техник материаллар.

2. Махсулот сифатига салбий таъсир килувчи ва меҳнат шароитини ёмонлаштирувчи техникавий ечимлар.

3. Махсулотнинг фактатиши куринишига тегишли ечимлар.

Рационализаторлик таклифлари муаллифлик шаходатномаси билан тасдикланади. Таклифнинг рационализаторлик эканлигини тасдиклаш учун муаллиф корхона номига узининг у ишда ишлаш ва ишламаслигидан катъий назар ёзма ариза топширилади. Аризага таклифни ёритиб берувчи тушунтириш хати, зарурат тугилганда эса чизмалар, схемалар ёки эскизлар илова килинади. Топширилган хужжатларда берилган маълумотлар таклифнинг амалиётга жорий килиниши учун етарли булиши керак.

Рационализаторлик таклифи муаллифлари амалдаги конунчиликка асосан мукофат олиш хукукига эга. Бу мукофот таклиф тақдим килинган корхона томонидан берилади.

**IV. Махсулотни сертификация килиш.** Сертификация-бу мос келиш сертификати ёки тамгаси ёрдамида махсулот, иш ёки хизмати маълум меъёрларга ёки техник шартга мос келишни аниклаш максадида килинадиган харакатдир.

Сифат сертификати бозор иктисадиётига асосланган илгор давлатларда етказиб бериладиган махсулотнинг сифатини тасдикловчи ва унга илова килинадиган хужжатдир. Сифат сертификати дунё бозорида махсулотнинг ракобатбардошлигини оширишда белгиловчи омил булиб хизмат килади.

Сертификацияга утиш – махсулот берувчи ва истеъмол килувчи шахслар уртасидаги муносабатларни такомиллашувига гувохлик беради. Махсулотни истеъмолга тула тайёргарлигига кафолот берилишини таъминлайди. Сертификатлашни утказиш махсулотни истеъмолчи томонидан кайта текшириб курилишини бартараф этади, бу эса истеъмолчига маълум иктисадий самара беради. Ишлаб чикарувчининг махсулотни сертификация килиш унинг мамлакати ва ташки бозорда истеъмолчи талабларини юкори сифат даражасида кондириш йулига утишни билдиради.

Сертификация махсулот, иш ва хизматларнинг куйидаги хужжатларига асосан белгиланган талабларига мувофик булишга караб утказилиши мумкин.

- Давлат стандартларига асосан.
- Хорижий ва халкаро стандартларга биноан
- Истеъмолчи танланган бошка меъёрий техник хужжатлар буйича.

### Талабаларнинг уз-узини текшириш саволлари.

1. Конфиденциал ахборот деганда нимани тушунасиз?
2. Ихтиро обьектига нималар киради?
3. Нималар ихтиро деб тан олинмайди?
4. Рационализаторлик таклифлари деб нималар кабул килинмайди?
5. Сертификация нима?
6. Сифат сертификати нима?
7. Сертификация кандай холларда берилади?

### Мундарижага кайтиш

## **4-мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бизнес режа.**

**Режа:**

**1. Бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти.**

**2.Чикариладиган маҳсулотларнинг сифат курсаткичлари ва улчов шакллари.**

**3.Маҳсулот сотиши бозорини иктисадий баҳолаш.**

**4.Ишлаб чикариш жараёни.**

**5.Маҳсулотнинг ракобатбардошлигини баҳорат килиш.**

**Адабиётлар: 3,7,8,9**

**Таянч иборалар:**

Харажат, ялпи даромад, фойда, лойиха рентабеллиги, ракобат, режалаштириш, оператив режа, жорий режа, истикболли режа, инвестиция.

**1. Бизнес режанинг мохияти ва ахамияти.**

Режалаштириш хар кандай тадбиркорлик тизимида хажмидан катъий назар унинг ажралмас кисмидир. Илгор технология ва бозор тадқикотларнинг натижалари, янги иш ташкили ва тадбиркорлик режаларини амалга ошириш билан боғлик булган ташкилий бошқарув ва молия муоммаларни хал килиш бизнес режада акс этиши керак.

**Бизнес режа.** – бу хужжат, унга аник вазиятда бизнеснинг мохияти бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес-режа тадбиркор томонидан ишлаб чикилади, агарда бошка муоммолар буйича маҳсулотлар керак бўлса, бу ишга бошка соҳа мутахассислари жалб килиниши мумкин.

Одатда бундай режалар 3-5 йил муддатга тузилади. Тадбиркорлик томонидан биринчи йилдаги олинадиган самара ойлар сайин батафсил, кейинги йили-таквимлар буйича. Кейинчалик йил буйича хисобланади.

Бизнес-режа бир неча мухим вазифаларни бажаради. Бизнес – режани тайёрлаш жараёни фикрлашни жонлантиради, тадбиркорликни пухталик билан уйлашга ва уз ишини турли нуктаи назардан таҳлил килишга хакикий имконият ва кийинчиликларни баҳолашга мажбур килади.

Биринчи вазифа – назорат. когозда баён килинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда хар доим ишлатилиши мумкин. У корхона фаолиятини келгусида яхшилашга асос булиб хизмат килади.

Иккинчи асосий вазифа-жамгариш. У бошка жисмоний ва юридик шахслардан пул маблагларни жалб килишга имконият яратади.

Корхонанинг тадбиркори, менежери бизнес режани ишлаб чикаришнинг аник схемаси, унинг таркиби ва баёни, хажми ахборот устунлигини танлашда куйидаги омилларга эътибор беради:

1. Корхона статуси ва катта кичиклиги (кичик бизнес, урта катта).
2. Режалаштириш фаолиятининг боскичлари.
3. Режанинг максадли йуналиши. (асосан ички ишларга ёки карз ва сармоя олишга).
3. Бизнес хусусияти ва кийинчилиги, худди шундай у ёки бу масалаларни ишлаб чикишдаги ибораси.
4. Керакли маълумот ва ахборотнинг борлиги.
5. Бошка мутахассисларнинг ёрдамига мухтожлиги.

Бизнес – режа кириш кисмидан бошланиши, унда кискача маълумотнома ёки тушунтирув ёзуви булиши керак. Потенциал хамкор турли хил ишбилиармонлик тузилмаларининг хамкорлик килиш учун куплаб таклифлар олиши мумкин. Шунинг учун у, биринчидан бизнес режанинг берилиши билан кискача танишиш керак. Булим хажми 3-5 бетни ташкил килади.

Бизнес-режа кириш кисмининг мустакил аҳамияти хам бор. Баъзида бу хужжатдан банк ёки инвестиция фондидан маблаг олишда кискача маълумотнома сифатида фойдаланади. Бунда қуйидаги саволлар кузда тутилиши керак.

А. Корхона хакида маълумот. Корхона номи ва унинг жойлашган ери, корхонанинг ташкил этилганлиги хакида кискача маклумот берилади. Корхонанинг мулк шакли курсатилади. Ишлаб чикариладиган маҳсулотлар ёки хизматлар номлари ва асосий ракобатчилар хакида кискача маълумот берилади. Корхона бошкарув тизими баён килинади.

Б. Фаолият турлари, максади ва мулжални. Одатда корхона маълум соҳа буйича ишлаши керак, аммо бир неча соҳада фаолият курсатиши хам мумкин.

В. Керакли маблагга эга булган эҳтиёжнинг кискача баёни. Бу булимда ишбилиармон узининг амалдаги маблагларига баҳо беради ва керакли кушимча пул воситаларига мухтожлигини исботлайди.

Г. Режалаштирилган фойда ва лойиха рентабеллиги, бизнес режанинг асосий максади, шундан иборатки, ишбилиармон пул маблагларини оладиган юридик шахсда узига нисбатан яхши таасурот колдирилиши керак. Бунинг учун у: 1. кайси йул билан фойда олиниши. 2. Унинг маҳсулоти худди шунака маҳсулотлардан канчалик афзал эканини курсатиши керак. Даил сифатида қуйидаги ракамларни келтириш лозим.

1. Ишлаб чикариш хажми ва маҳсулот сотиш йуллари.
2. Бир маҳсулотга кетган харажат.
3. Ялпи даромад ва фойда.
4. Кетган маблагларнинг узини коплаш муддати, кетган маблаг ва метериал сарфларининг кайтиш муддати ва фоизлар.

## **II. Чикариладиган маҳсулотларнинг сифат курсаткичлари ва улчов шакллари.**

Бизнес режанинг бу кисмида корхона, унинг маҳсулоти ёки хизматлари тавсифланади. Шу билан бирга, шу соҳада ишларнинг боришига баҳо берилади.

А. Соҳанинг тавсифи. Бунда ишбилармонлик фаолияти амалга ошириладиган соҳанинг хозирги холати ва ривожланиши баҳоланади, товар утказиш, бозорнинг сигими, унинг усиши ва асосий ракобатчилар кискача тавсифланади. Ҳамма баҳолар аник булиши керак.

Б. Барпо этиладиган корхона. Бизнес режанинг бу кисмида бизнеснинг умумий концепцияси кандай маҳсулот ёки хизматлар таклиф килиниши ва уларнинг асосий истеъмолчиларни курсатиш керак. Корхонанинг асосий фаолият йуналиши, молиявий ахволи ва маблагларнинг харакати хакида ахборот бериши керак. Агар корхона олдинги йилларда зарар курган булса, унда зарар куриш сабабларини урганиб, уларни йукотиш буйича курилган чора тадбирлари курсатилиши лозим.

В. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизмат турлари. Бу булимда сотишга чиқариладиган ҳамма маҳсулот ва хизматлар курсатилади, улардан фойдаланиш имкониятлари, бунда уларнинг асосий ва иккиласми фойдаланиш усуслари курсатилади.

Г. Бозорга чикиш, ишлаб чиқариш ва сотиш хажмининг усиш стратегияси. Маркетинг режасида асосий муваффакият омиллари (масалан, бозор учун янги маҳсулот, бозорга чикишдаги афзалик ва бошкалар) нархларга ёндошиш, сотиш усуслари ва маҳсулот рекламалари курсатилади. Корхона тузишдан максад, узок вакт давомида фаолият курсатиш имконини беради. Шунинг учун корхона ва бизнеснинг ривожланиш стратегияси хакида айтиб утиш уринлидир. Бизнес стратегияси куйидаги бозор ахборотларига сунади: ишлаб чиқаришнинг улчамлари, жуғрофий тавсиф ва ракобатнинг мавжудлиги, имкониятлар ва бошкалар.

### ***III. Маҳсулот сотиш бозорини иктиносидий баҳолаш.***

Маҳсулот сотиш бозорини иктиносидий баҳолаш бизнес режада асосий хисобланади. Бунда ишбилармон, бозорнинг бутун тузилиши, тармокни ривожлантиришни акс эттириши, эгалламокчи булган бозор сегментини ажратиш ва ракобатчилар фаолияти тавсифлаш керак. Бош масала тадбиркорнинг бозордаги шахсий хиссаси диполик усишини исботлаш. Бунинг учун ишбилармон куйидагиларни билиши керак.

1. Ким унинг маҳсулоти харидори булади.
2. У канча товар сотиши мумкин.
3. Кандай килиб товарини утказади. (тугридан – тугри, воситачи оркали, биржа ва брокер оркали).

Асосий муомма шундан иборатки, ишбилармон уз маҳсулотини товар бозорида сотиш учун куйидагиларни кура олиши керак.

1. Маҳсулотнинг келгусидаги (3-5 йилдаги) бозор потенциали.

2. Ракобатчиларнинг мавжудлиги ва имкониятлари.
3. Ракобатчи товар билан курашиш усуллари.

Алоҳида диккат ракобатчиларга каратилиши керак. Ишбилармон уз ракобатчиларни канчалик яхши урганиб чикилса, шунча хам хатоларга йул куяди. У ким шунака маҳсулот чикармоқда ва қандай хажмда сотмокчи, нархи қанча ва сифати қандай харидорларнинг ракобатчилардан товар олишнинг узига хос томонлари хакида ахборотга эга булиши керак.

#### **IV. Ишлаб чикириш жараёни.**

Ишлаб чикириш жараёни катта фирманинг бизнес режасида бу саволга алоҳида булим ажратилади. Бизнес режада ишнинг факат асосий натижалари акс эттирилади, Яъни ишлаб чикиришни тайёрлашдан тортиб, то техника ҳавфсизлигини таъминлаш ва ишлаб чикириш маданиятига тушунтириш матни берилади.

Тадбиркор маҳсулот ишлаб чикириш учун кайси материаллар керак булиши, қандай технологияда маҳсулот ишлаб чикилишни олдиндан режалаштиради. Ишлаб чикириш куввати хакида тавсиф берилади, ишга тушиб муддати курсатилади. Етказиб берувчиларнинг маҳсулот сифати ва етказиб бериш кафолотлари баён килинади. Тахлил 2-3 йилга ёки купрек муддатга 4-5 йилга берилади.

Бу булимнинг жуда муҳим кисми ишлаб чикириш харажатларини хисоблашdir. Купинча фирма раҳбарлари бизнес режада атроф мухитни муҳофаза килишга етарлича эътибор бермайдилар. Бу эса анчагина маблаг талаб килади. Натижада фирма бизнес режага биноан ишни ташкил килганидан сунг, «тасодифий» харажатлар килишга мажбур булади. Бу эса бизнесни ривожланишига тускинлик килади. Шунинг учун, режада бундай харажатларни хам хисобга олиш зарур.

#### **V. Маҳсулотнинг ракобатбардошлигини башорат килиши.**

Маҳсулотнинг ракобатбардошлигини башорат килишда товарлар (хизматлар) ассортименти уларнинг руйхати, ойлик ёки йиллик сотилган сони ва хажми берилади. Товарнинг истеъмолчилари курсатилади.

Бу булимнинг максади-кредиторларни (банкларни), инвесторларни ёки янги фойдаланувчиларни маҳсулотни фойдалигига ишонтириш, аникрок килиб айтганда, маҳсулотдан куп фойда олиш мумкинлигига ишонтиришdir.

Ишбилармон истеъмолчилар билан курашда куйидаги ракобат стратегиялардан бирини танлаб олади. Оммавий харидорга чикиш стратегияси (арzon моллар стратегияси) ёки ихтисослашган стратегия, яъни маҳсус харидор тоифалари учун мулжалланган алоҳида сифатли, лекин кимматбахо товар тайёрлаш.

Ракобатбардош маҳсулот хакида суз борганда, барча афзаллик турлари куйидаги гурухларга булиниши мумкин.

1. Паст афзаллик тартиби.
2. юкори афзаллик тартиби.

1-гурух-бу афзаллик стратегияси оммавий харидорга чикишда фойдали етарли таъсир килади. Бозорда улар устивор булмайди, чунки куп сабабларга кура улар йуколиши мумкин (иш хаки ошганда, ракобатчилар арzon хом ашёсини топганда) ва бошкалар.

Бундан хулоса шуки, паст афзаллик тартиби мустахкам ракобатга чидай олмайди.

Юкори афзаллик тартиби ихтисослашган стратегия булиб, ууз ичига яхши маҳсулот ишлаб чикириш, яхши технология яратиш кабиларни олади. Булар эса, уз навбатида фирма обрусини кутариш имконини яратади. Улар маълум вакт ичидаги ракобатборо дошликтин таъминлаб боради. Ракобатбардошликтининг бир маромда бориши банк кабул килган карор буйича корхонага пул беришнинг асосий омили булади.

Булимнинг охирги кисмида ишбилармон уз харидорига курсатадиган күшимча хизмат турларини таклиф килиши мумкин (масалан: уйга транспорт воситалари ёрдамида бепул етказиш, юкларни ташишда нархни камайтириш ва бошкалар).

### Палабаларнинг уз-узини текшириши саволлари.

1. Бизнес режа нима?
2. Бизнес режа кандай вазифаларни бажаради?
3. Бизнес режага ички мухитдан таъсир омилларга нималар киради?
4. Бизнес режага ташки мухитдан таъсир омилларга нималар киради?
5. Бизнес стратегияси кандай бозор ахборотларига суюнади?
6. Ракобатбардош маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
7. Доимий харажатларга нималар киради?
8. Узгарувчан харажатларга нималар киради?
9. Бизнес режанинг асосий максади нима?

### Мундарижага кайтиш

**5-мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини кадрлар билан таъминлаш.**

**Режа:**

- 1. Кадрлар сиёсати ва кадрлар булимининг вазифалари.**
- 2. Ишловчиларни ёллаш ва танлашни режалаштириш.**
- 3. Ишчи-хизматчиларни укитиш. Укитишнинг коида усуллари.**
- 4. Укитиш дастурларининг таҳлили.**
- 5. Бошкарув кадрларни ишбилармонлигини баҳолаш.**
- 6. Ишчиларни иш жойларига жойлаштириш.**
- 7. Вазифаларни мансабга кура таксимланиши.**
- 8. Кадрлар кунимсизлиги билан боғлик харажатларни камайтириш.**
- 9. Кадрлар ишини тақоммиллаштириш.**

**Адабиётлар: 1,3,7,9,12**

**Таянч иборалар:**

Кадрлар кунимсизлиги, менежмент, меҳнат гигенаси, кадрлар стратегияси, меҳнат ресурслари, аттистация, меҳнат шартномаси, шахсий фаолиятни маҷмуали баҳолаш, локал баҳоланиш, узайтирилган баҳолаш, экспрессив баҳолаш, ички аттестация, ташкии аттестация.

**1. Кадрлар сиёсати ва кадрлар булимининг вазифалари.** Кадрлар х.хужалигининг турли соҳаларидаги мутахассислар шунингдек, юкори малакали ишчилар – урта маҳсус укув юртлари, коллежларнинг битириувчилардир.

Бошкарув кадрлари бу малакавий фаолияти тула ёки асосан корхона фаолияти билан боғлик булган тижорат, молиявий ёки ишлаб чикириш бошкаруви билан шугулланувчи ходимларга айтилади.

Бозор иктисодиётига утиш жараёнида янги услубда ишловчи раҳбарлар ва мутахассислар керак булади. Бу тадбиркорлик тузилмалари шаклланиши билан, турли хил мулк шакллари, корхоналари ташкил булиши билан боғлик.

Кичик бизнесда кадрлар сиёсатига тадбиркорликнинг узи жавоб беради. Кадрлар сиёсати стратегия ва тактикани уз ичига олади.

**Кадрлар стратегияси.** Бу кадр билан ишлаш усулларининг асосий максадини аниклайди.

Ишлаб чикириш учун техник, маркетинг, ижтимоий иктисодий масалаларни таҳлил килиш керак. Бу таҳлил асосида фирма кадрлар концепцияси шаклланади, ташкилот фаолиятини самарали бошкариш учун

кандай кадр керак булиши аникланади. Бундай концепция күйидаги талабларга жавоб бериси керак.

1. тармок ривожланишининг стратегик йуналишини хисобга олиш.
2. Хакконийлик.
3. Иктисодий ва сиёсий хаётнинг узгарувчан мухитига мулжал олиш.
4. Корхонани юкори малакали кадрлар билан таъминлашга йуналтирилганлик.

Ишлаб чикилган кадрлар сиёсати концепцияси корхонанинг хамма ишчиларига етказиши керак.

Кадрлар сиёсати тактикаси, деганда кадрлар билан жорий ишлаш усуллари тушунилади. У конкрет шароитларда кадрлар сиёсати принципларини амалга ошириш кетма кетлигини назарда тутади. Унинг энг ахамиятлilари кадрларни тугри танлаш, урнига куйиш, утиш тарбиялаш, ишлатиш ва кайта тайёрлашдир.

Кадрлар ишининг асосий максади күйидагилар:

1. Кадрларга талабни режалаштириш.
2. Кадрларни танлаш ва баҳо бериси услубини ишлаб чикиш.
3. Ёш кадрларни тарбиялашни режалаштириш.
4. Бошкарув услубини такомиллаштириш. Корхонада кадрлар ишининг асосий кисмини кадарлар булими амалга оширади.

Кадрлар булими ходимлари бажарадиган ишлари буйича йурикнома мавжуд булади. Улар күйидагилардан иборат:

1. Корхона мутахассисларни тугри ва самарали жойлаштириш максадида уларнинг иш билиши ва бошка сифатлари руйхатининг таҳлили.
2. Кадрларни жойлаштириш, ишдан ишга утказиш ёки бушатишни расмийлаштириш.
3. Мехнат дафтарчасини тулдириш ва саклаш.
4. Кадр иши буйича хисобот тайёрлаш.

Кичик тадбиркорлик ташкилотларда кадр булишини ташкил килиш шарт эмас, унинг вазифасини кобилиятли ходим бажариши мумкин.

## ***II. Ишловчиларни ёллаш ва танлашни режалаштириши.***

Мехнат ресурсларини режалаштириш бу корхонанинг фаолияти тизимини режалаштиришнинг асосий кисмидир. Кадрларни режалаштириш күйидаги уч боскичдан иборат:

1. Мавжуд мехнат ресурсларини баҳолаш.
2. Кадрларга булган талабни баҳолаш.
3. Мехнат ресурсларини ривожлантириш дастурини ишлаб чикиш.

Тадбиркорлик тузилмаларида какдрларни режалаштиришни ишчиларни кучли ва нозик томонларини таҳлил килишдан бошлаш керак.

Мехнат ресурсларини ривожлантиришнинг иккинчи боскичи-кадрларни баҳолаш, яъни корхона муаммоларини ечишга керак булган ишчиларни баҳолаш.

Дастлаб, штат жадвали буйича зарур кадрлар аникланади. Ундан сунг мавжуд кадрлардаги узгаришлар киритилади ва чикириб ташланади, натижада кадрларга зарурат топилади. Яъни керакли мутахассислар ва раҳбарлар сони аникланади, агар бу катталик ижобий булса, унда янги кадрларни ёллаш керак, салбий булса, корхона раҳбарлари мавжуд кадрлардан самарали фойдаланиш йулларини топиши керак. Ходимларнинг брутто ва нетто зарурияти куйидаги ифода буйича топилади.

БПК – ML • TL /TPB • 60 • КНВ.

Бу ерда: БПК – кадрларнинг брутто эҳтиёжи

ML – Режалаштириш даврдаги ишчи жараёнлар сони.

TL – Хар бир иш жараёни учун уртacha вакт (минутда)

TPB – Режалаштирилган даврда таъриф иш вакти (соатда)

КНВ – Танаффус, касаллик, дам олиш учун кетган вактларни хисобга олиш учун киритилган вакт етишмовчилиги коэффиценти.

Масалан: вакт етишмовчилиги 33,3% булганда КВН = 1,5 булади.

Кадрларнинг нетто эҳтиёжини куйидагича аниклаш мумкин. Кадрларнинг брутто эҳтиёжини (БПК) минус кадрлар персонали плюс режавий даврнинг бошида олинган кадрлар минус режавий давр бошигача бушаган кадрлар, баробар кадрларнинг нетто эҳтиёжи.

Кадрларни режалаштиришнинг учинчи боскичиди – мехнат ресурсларини ривожлантириш буйича аник режа ишлаб чикилади.

Ишчининг самарали иш бажариши учун куйиладиган талабларни аниклаш. Бу маъламотлар гурухига куйидагилар киради.

Билим даражаси, жисмоний жихатлари, тажрибага эгалиги, тиришкоклиги, кизикиши ва бошкалар.

### **III. Ишчи-хизматчиларни уқитиш. Уқитишнинг коида усууллари.**

Уқитиш ва кадрларни тайёрлашда иктисади ривожланган давлатларда катта ахамият берилади. Бу омил иктисадий усиш ва ишлаб чикишни ривожлантириш омилидир. Ривожланган давлатларда инсоний ресурслар 80% гача товар ишлаб чикишни таъминлайди.

Купгина ривожланган мамлакатларда Збоскичли укув тизими йулга куйилган.

1. Олий укув ютрларида укиш.
2. Малака ошириш институтлари.
3. Уз билимини мустакил равишда ошириш.

Хар бир тадбиркорлик ташкилотида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари ривожланиш режасига киритилади.

Бу куйидаги шароитларга боғлиқ:

1. Етарли квалификацияли иш кучи етишмаслиги.
2. Ракобат курашида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш.
3. Янги билимларни эгаллаш.
4. Янги ишлаб чикириш жараёнларининг пайдо булиши.
5. Ишчилар потенциалини ривожлантириш.

Ишчиларни уқитиш турли хил шаклларда амалга ошади. Булар эса куйидагилардан иборат.

1. Янги ходимлар учун бошлангич укиш.
2. Ишлаб чикириш укиши.
3. Бошкарув укиши.
4. Ротация йули билан укиш.
5. Мустакил дастур буйича укиш.

Ходимлар малакаларини ошириш ва кайта тайёрлаш хам фирма ичида ва ташкарисида булиши мумкин.

Уларни тайёрлаш услуби куйидагича амалга оширилади:

1. Бошкарув масалалари буйича маҳсус семенарлар утказиш.
2. Янги мутахассисларнинг ишини кузатиш йули билан уқитиш.
3. Кадрлар ротацияси – мутахассис ёки менежер тарбиялаш ва шакллантиришда кенг таркалган услубдир.

Кадрлар ишида асосий масалалардан бири, кадрлар резервини тайёрлаш ва уқитиш ташкил этишдир. Кадрлар резервига келажакда катта лавозимларни эгалловчи шахслар киради.

#### **IV. Уқитиш дастурларининг таҳлили.**

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи кишиларни уқитиш ва малакасини ошириш учун маҳсус дастурлар ишлаб чикилади. Чет элларда уларни ташкил килишда маҳсус ургатувчи ташкилотлар иштирок этади. Хозирги кунда чет эл ва мамлакатимиз олим ва мутахассислари ёрдамида ишлаб чикирган тадбиркорлик буйича янги укув дастурлари кенг кулланилмоқда.

Йұналиш буйича укув дастури куйидагиларга булинади:

1. Бошлангич укув дастурлари.
2. Тадбиркорлик ишини комплекс укишини таъминлаб берувчи дастурлар ва унинг алохida томонларини ургатувчи дастурлар. (Масалан: маркетинг, банк иши, кимматли көгөзлар бозори).
3. Бошкарув фаолиятини урганиш дастурлари ва мутахассисни уқитувчи дастурлар укиш дастурини вактинчалик олиш буйича киска ва узок муддатга булинади.

Киска муддатли укиш дастурлари маҳсус семенар ёки курсларда фойдаланади. Узок муддатли укиш дастурлари бир неча ой ва йилга ишлаб чикилади.

Укитишнинг куламига караб куйидаги дастурлардан фойдаланилади.

1. Доимий тавсифга эга дастурлар. Лекин купинча тугри ёки кисман укиш дастури хисобланади. Уларга масалан: тадбиркорликни утиш дастурлари киради.

2. Малакани ошириш дастурлари чет элларда кенг таркалгандек, бизнинг республикамизда хам кенг таркалмокда.

#### **V. Бошкарув кадрларни ишбилиармонлигини баҳолаш.**

Кадрлар ишининг муҳим жихати-бошкарув кадрларини фаолиятини баҳолашдир. Бундай баҳолаш: кадрларни самарали танлаш ва жой жойига куйиш, кадрларни тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, буларни вазифаси буйича юкори погонага кутариш ва нихоят бошкарув ходимларини малакасини ошириш учун зарурдир.

Бошкарув кадрлари учун кандай турдаги баҳолашлар кулланилишини куриб чикамиз.

1. Шахсий фаолиятини мажмуавий баҳолаш – унинг барча вазифаларини камраб олишдан иборат. Бу муҳим ва мураккаброк баҳолаш туридир. Шахсни мажмуавий баҳолаш ходимни ёки раҳбарни самарали меҳнатини бевосита шарти билан сифатларни кушилишида келиб чикади. Бу каби сифатлар бир неча булиши мумкин.

А) Умум-ижтимоий: меҳнат килиш иштиёки, ишни жадаллиги, уз ишини яхши режалай олиш кобилияти, ишда интизомлилиги.

Б) Шахсий сифатлари: хотира, фахм – фаросатлилик, этико меъёрларига амал килиш керак.

В) қасб сифатлари: умумий тасаввурли фикр юритиш, ишчанлик, қасбга лаёкатлик.

2. Локал баҳоланиш – Баҳолаш кандайдир бир вазифани ёки уни бир кисмини бажариш натижалари асосида амалга оширилади. Масалан: Дериктор фаолияти бир неча вазифаларни уз ичига олади.

3. Узайтирилган баҳолаш – Баҳо мутахассисни меҳнат фаолияти узок муддатдан урганилишидан иборат. Бу баҳолаш хизматчини утган ва жорий фаолиятини таҳлил килишга асослангандир. Бу баҳолаш усули раҳбар ва мутахассисларни фаолиятини умумий тавсифини бериши мумкин.

4. Экспрессив баҳолаш (тезкорлик маъносини билдиради.) факт жорий фаолиятни акс эттиради. Бу инсонни хозирги даврда намоён булаётган сифати ва кандай ишлашини таҳлил киласи.

Кадрларнинг баҳолашнинг алоҳида тури бу – кадрларни аттестациядан утказишдир.

Аттестациянинг асосий максади – хизматчининг эгаллаб турган лавозимига лойиклигини аниклашдан иборатdir. Агар у мазкур лавозимга аник деб топилса, унда уни яна юкори лавозимга кутариш имконини кидириш керак булади. Шундай килиб аттестацияни унинг меҳнат фаолиятига берилган объектив баҳо, деб билиш мумкин.

Одатда аттестацияни директор тайинланган маҳсус аттестация комиссияси утказади. Унинг таркиби: булим бошликлари, жамоа ташкилотларининг вакиллари, мутахассислар ва бошкалар киради. Хозирги вактда аттестация 2 боскичда утказилади.

1. боскич меҳнат жамоаси аттестацияси киради.
2. боскич маҳсус комиссия аттестациясини утказади.

Аттестацияни 3-5 йилда бир марта утказиши мулжалланади.

Хар кандай аттестация (унинг хар кандай шакли) уз ичига куйидаги улчаш усусларини олади:

1. Аттестациядан утувчи кандай иш бажаради.
2. Утган даврдаги иши сифати.
3. Ишга муносабати.
4. Меҳнат интизомига риоя килиш.
5. Жамоа фаолияти натижасига хизматчининг күшган улуши.

## **VI. ишчиларни иш жойларига жойлаштириши.**

Бозор иктисодиётида инсон меҳнати машина, материал ва капиталга ухшаб ишлаб чиқарувчи омил хисобланади.

Кичик тадбиркорликда тасодифий ишчиларни ишга олиш жуда хам хавфли булиб, бу корхона учун зарар келтириши мумкин. Ишчиларни тугри танлаш учун икки хил ички ва ташки чегара мавжуд.

Ички чегара – бу корхона томонидан кабул килинган ва тадбик килинган меъёрдир.

Ташки чегара – бу уз ичига конунлашган меъёрларни олган, регламентланган хужжатdir, масалан: меҳнат ва маҳнатнинг санитария нормалари. Кадрлар булими ишининг мазмуни ишчиларни ишга ёллаш ва корхонанинг меҳнат резервларини саклаш ва ривожлантиришдан иборат.

У куйидаги боскичларни уз ичига олади:

1. Мутахассисларни масъулиятли мансабга танлаш;
2. Ишчиларни мансабга ёллаш;
3. Ишчиларни ишдан бушатиш;
4. Мутахассисларни саклаш умумий режасини бажариш тизими.

Инсоннинг унга берилган ишнинг яроклилиги тугрисидаги усуслар мажмуи касб дастури дейилади. Касб дастури – бу системалашган сифатлар таҳлилининг йигиндиси булиб, уларни хар бир ишчи келажақдаги ишини бажара олиши учун билиши керак ва узининг функционал вазифаларини тартибини хам билиш керак.

Касб дастури иккита моделдан иборат:

1. Ишчи модели (тадбиркорлик, шахсий ва касб сифатлари).
2. Мансаб модели (функциялар, вазифалар, хукукий, жавобгарлик ва бошкалар).

Ишларни ёллаш – бу инсоннинг хукукий ишга олиниши билан бодлик мөхнат конунлари ишловчиларининг корхона билан муносабатини бошкаради.

Бундай хукукий хужжатларга мөхнат конунлари түгрисидаги кодекс хам кириб, у куйидагиларни уз ичига олади.

1. Мөхнат ва жамоа шартномалари.
2. Иш вактини ва дам олиш вактини ретламентлаш (ишлаб чикариш).
3. Кафолат ва мөхнат ахлоқи
4. Мөхнат мухофаза килиш.
5. Мөхнат низомлари
6. Иш хаки хакидаги умумий низомлар

Мөхнат кодексида белгиланган конунлардан мухими мөхнат шартномаси хисобланади.

Мөхнат шартномаси – бу корхона билан ишга олинадиган инсон уртасидаги розилик булиб, бунда ишга олинган одам корхонанинг мөхнат тартибларига риоя килган холда уз вазифаларни бажариш керак. Корхона эса унга мөхнат конунига биноан иш хаки тулайди ва мөхнат шароитини таъминлаб беради.

Мөхнат шартномаси оғзаки ёки ёзма холда тузилиши мүмкун. Битим ва конкурс асосида ишга олинишига караб мөхнат шартномолари хам турли хил булади.

Ишчи кучини таксимлашнинг охирги боскичи бу ишдан бушатишдир. Бу мөхнат конунлари ва корхонанинг ички шартларини хисобга олган холда амалга оширилади.

Ишчини бушатиш уни хохишига ёки маъмурий бошкарув курсатмасига биноан амалга оширилади.

Агар мөхнат шартномасида ишчи билан корхона уртасида келишилган муддат тугаган булса, унда ишчи конун асосида ишдан бушатилади.

Узрли сабабларга кура ишдан бушатиш узига хос якинлашувни талаб килади. Бунда маъмурий бошкарув аппарати ишчи ариза бермагунича, уни ишдан бушатишга хакли эмас.

Мөхнат шартномасида шундай шартлар борки, агар улар бажарилмаса, маъмурий бошкарув органи ишчини бушатишга хаклидир.

Бу шартлар куйидагича:

1. Корхонанинг ёпилиши
2. Ишчининг уз ишига нолойиклиги аникланган булса
3. Тез – тез ишга келмаслик
4. Иш жойида угирлик килиш ва хакоза

## **VII. Вазифаларни мансабга кура таксимланиши.**

Фирмани ташкил килишдан аввал менежерлар, ишчилар ва хизматчиларнинг иш фаолиятига тегишли булган вазифаларни кандай таксимлашни уйлаб чикиш зарур. Умумий фаолият юритувчи булимлар вазифалари буйича гурухларга булинади. Бунга кура ишлаб чикариш, сотиш пул билан тъминлаш ва бошкариш булимлари амалда булиши мумкин. Бу булимлар бир – бири билан узвий boglik булиб улардаги ишчилар хамкорликда фаолият юритишади.

Рахбар кул остида ишлаши мумкин булган хизматчиларнинг аник сонини, хужалик фаолиятининг барча омилларни текшириб чиккандан кейин аниклайди. Вазиятта караб, энг макбул буйсинувчилар сони 3- 30 тагача булиши мумкин.

Вазифаларни таксимлашни мохияти шундаки, рахбар уз кули остидагиларга баъзи бир масалаларни ечишда тула харакат эркинлигини берib куяди, яъни узининг хукук - мажбуриятининг бир кисмини уларга топширади, аммо тула жавобгарликни раҳбарнинг узи олиб боради.

Вазифаларни таксимлашнинг фойдали томони шундаки, у жамоада ижодий меҳнат вазиятини вужудга келтиради. Вазифани маълум кисмини олган ишловчи мустакил бир булим буйича маъсулиятини уз буйнига олади ва раҳбар олдида унинг учун жавоб беради, бу эса уз – узидан, ходимларни меҳнатга ижодий ёндашишига сафарбар килувчи ижодий омилдир.

## **VIII. Кадрлар кунимсизлиги билан boglik харажатларни камайтириш.**

Кадрлар кунимсизлиги деб – маълум вакт оралигига уз хошиллари ва маъмурият карори билан ишдан бушаган ишчи хизматчилар сонининг текширилаётган вакт оралигига корхонадаги ишловчиларнинг уртacha умумий сонидаги салмогига айтилади. Купинча кадрлар кунимсизлиги ишчи ва хизматчиларни, мутахассилиги буйича ишдан бушатиш билан boglik булади. Бу эса уз навбатида баъзи бир салбий окибатларга олиб келади – Жумладан янги ишловчини кабул килиш ва уқитиш билан boglik кушимча харажатлар килиш зарурияти келиб чикади.

Кадрлар кунимсизлиги муаммоси инсоннинг уз меҳнатига кунизиши билан boglik булиб, у иккита масала ечилишини талаб килади, биринчиси инсоннинг аник бир корхонадаги меҳнат шароитига мослашиши, иккинчиси меҳнат шароитининг инсон талабига мослашиши.

Хозирги замон меҳнат амалиётида кадрлар кунимсизлигини камайтиришнинг куйидаги усувлари кулланилмоқда:

1. Ишчилар иш жойларини кенгайтириш.
2. Мехнатни сифат жихатидан бойитиш.
3. Иш вактини мослашувчан шаклда ташкил этиш.

4. Мехнат гигиенасини яхшилаш.
5. Юкори сифатли ва унумли мехнат учун мехнатга хак тулашнинг илгор усулларини куллаш ва бошка рагбатлантириш тадбирларини амалга ошириш.
6. Ишловчилар уртасидаги мехнат мажораларини хал этишда оддий усуллардан фойдаланиш.

Фирманинг янги кувватлар, илгор технологияни киритиш эвазига ишлаб чикириш хажмини кенгайтириш ва маҳсулот турини купайтиришга интилиши, янги иш жойларини бунёд этиш ва ишчи хизматчиларни малакалирек лавозим ва вазифаларга кутариш имконини беради.

Фаол ташаббускор кадрларни саклаб колишдаги кизикиши корхона раҳбариятининг меҳнатни сифат билан бойитишга каратади. Бу каби усулга куйидагилар киради:

1. Ишловчи меҳнатига хар хил элементларни киритиш, масалан: бир вактда бир неча турдаги фаолиятга жавоб беришни юклаш.
2. Менежер ва мутахассислар учун карор кабул килишда эркинликни кенгайтириш.
3. Мажбурият, хукуқ ва жавобгарлик хажмини купайтириш ва бошкалар;

Замоновий менежмент уз ахамиятини меҳнат гигиенаси муаммосига каратади. Меҳнат гигиенаси чора тадбирлари сифатида куйидагиларни келтириши мумкин:

1. Атроф-мухитнинг согликка зарарли таъсирини бартараф этиш ёки улардан химояланиш (иклим, шавкин ва бошкалар).
2. Инсонни оғир меҳнатдан ҳолос килиш – машина ва механизмлар ёрдамида жисмоний сарфни камайтириш.
3. Меҳнатни муҳофаза килиш талабларига мос келувчи иш жойларини ташкил этиш.
4. Инсоннинг ишлаш кобилияти пасайиши муносабати билан унинг иш жойини саклаш ёки бошка аввалгисидан кам иш хаки туланмайдиган ишга утказиш.

Корхона раҳбариятининг инсон хакида кайгуриши кадрлар кунимсизлигини камайтириш билан бир каторда, провард натижада, пул маблагларини тежаш имкониятини беради. Кадрлар баркарорлигини таъминлашда бошка корхоналарга караганда маъқулрок хизмат ва имтиёзлар урнатилиши катта роль уйнайди.

Корхона узининг меҳнаткашлари учун маошдан ташкари күшимча имтиёзлар хам беради. Уларни икки гурухга булиш мумкин: 1. Мукофот куринишидаги.(күшимча пулли тақдирланишлар, ойлик мукофотлар). 2. Ижтимоий режа асосидаги күшимча имтиёзлар. Бундай ижтимоий имтиёзлар сони ва тури, одатда ташкилотнинг моддий имкониятларига боғлик. Уларнинг амалдаги турлари куйидагилар:

А. Ижтимоий таъминлаш хизматлари.

- Б. Ошхоналарда овкатланишга хак тулаш.
- В. транспорт харажатлдари учун күшимча туловлар.
- Г. Уй жой ажратиш ва бошкалар.

**IX. Кадрлар ишини такомиллаштириш.** Кадрлар ишининг марказий масаласи уни такомиллаштиришdir. Кадрлар ишини бозор иктисодиёти шароитида такомиллаттириш муаммосини асосий йуналишларни куриб чикайлик:

1-йуналиш. Кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш йули. Бу бошкарув аппаратини сонини кискартиришдан иборатdir. Бизнинг бошкарув тизимимизни самарасизлигининг асосий сабаблари – уни сифатини такомиллашмаганлигидадир. Бу иш тизимини сонида эмас балки сифатини узгартириш заруратидадир.

2-йуналиш бу янги турдаги бошкарув хизматчисини – яъни янги турдаги иктисадий асосий фикр юритувчиларини тайёрлаш.

3-йуналиш кадрлар резерви билан ишлашда янги услубларни тараккиёт топтириш раҳбарлик вазифаларига сайловлар оркали утказиш оркали тайинлаш.

4-йуналиш бу раҳбарларни иктисадий рагбатлантириш бу йуналишни мохияти бошкарув кадрларнинг шундай иктисадий дастурларни яъни хаётий шароитларини яратиш (уй жой бериш, юкори маош тайинлаш) натижасида тугри танлашдан иборатdir.

5-йуналиш – бу бошкарув амалиётига меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий килиш турли фан мутахассисларни турли тармок илмий ходимларни раҳбарларни уқитиш моделини самарасини аниклашга жалб килишдан иборат.

6-йуналиш – бу бошкарув ходимлари меҳнатини компьютерлаштиришdir. Бу дегани хизматчиларни бир хилдаги тақрорланувчи аклий иш талаб килмайдиган харакат ва операциялардан озод этишdir. Шунга мувофик шунинг хисобига ижодий меҳнат имкониятларига эга булади.

### Палабаларнинг уз-узини текшириши саволлари.

1. Кадрлар стратегияси деганда нимани тушунасиз?
2. Кадрлар сиёсати тактикаси деганда нимани тушунасиз?
3. Кадрлар ишининг асосий максади нима?
4. Кадрларни режалаштириш неча боскичда амалга оширилади?
5. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиз?

6. Кандай укиш турлари мавжуд?
7. Кадрлар ротацияси нима?
8. Касб дастури нечта моделдан иборат?
9. Мехнат шартномаси нима?
10. Вазифаларни таксимлашдан максад нима?
11. Кадрлар кунимсизлиги деб нимага айтилади?
12. Кадрлар кунимсизлигини камайтириш усулларини айтинг?
13. Мехнат гигиенаси деганда нимани тушунасиз?

### Мундарижага кайтиш

## **6 – мавзу; Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаш ва кредит билан таъминлаш хусусиятлари.**

**Р е ж а :**

- 1.Молиявий ресурслар ва молиявий капиталнинг мохияти ва тузилиши.**
- 2.Кичик бизнесни молиявий ресурс монбалари.**
- 3.Капитал инвестицияси ва унинг турлари.**
- 4.Инвестиция ва даромадларни дисконглаштириш**
- 5.Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.**

**Адабиётлар: 1,2,3,7,9**

### Таянч иборалар:

Инвестиция, инновация, айланма фонд, муомала фонд, асосий фонdlар, кредит, дисконглаштириш, оведрафт, халкаро кредит, банк кредити, давлат кредити, истеъмолчи кредит, капитал инвестиция.

### **I. Молиявий ресурслар ва молиявий капиталнинг мохияти ва тузилиши.**

Тадбиркорликни асосини, шунингдек унинг кичик куринишларини молиявий сармояларва молиявий захиралар ташкил килади. Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий захираларини унинг ихтиёрида булган пул воситалари ташкил килади. Улар хужалик фаолиятини турли тармокларига юборилади: Воситачи ва молиявий хизматлар, савдо – сотик хизматлари, инвестиция ва инновация лойихалари. Нақд пулнинг етишмовчилиги кичик

бизнес истикболини, унинг хаёт топиш эхтимолни, унинг молиявий эпчиллигини пасайтиради ва синишига олиб келади. Чунки етарли микдорда нақд пулнинг булмаслиги банкларни карз бермаслигига олиб келади. Хужалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий захиралар (хом ашё, меҳнат ускуналари, ишчи кучи) пул куринишидаги сармоядир.

Сармоянинг умумий ифодаси:

$$\begin{array}{ccccccc} D & T & \xrightarrow{D'} & P & \longrightarrow & \\ & & \longrightarrow & T' & \longrightarrow & \end{array}$$

Бу ерда:

П-инвестор томонидан карзга берилган пул маблаги.

Т-махсулот (тадбиркорлик фаолияти учун сотиб олинган технология).

П'-Инвестор томонидан хужалик фаолиятини юритиш натижасида ва кушимча маҳсулотни сотишдан олинган пул маблаги.

Йилига сармоя канча куп айланса инвестор йиллик даромади шунча куп булади.

Молиявий захиралар сормоясини тузилишига шунингдек асосий фонdlар, айланма фонdlар, муомала фонdlарига куйилган пул маблаглари киради. Асосий фонdlар-меҳнат куроллари йигиндинсинг кийматли куриниши. У молиявий куринишини узгартирмасдан ишлаб чиқариш ва хужалик корхона чегарасида фаолият курсатади хамда уз кийматини кайтадан яратилган маҳсулот кийматига утказади.

**Айланма фонdlар** – корхона ишлаб чиқариш фондининг бир кисмини ташкил килади. У бир ишлаб чиқариш даврида ишлатилади ва уз кийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулотига тулалигича утказади.

**Муомала фонdlари** – тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юборилгани, лекин туланмагани банк ва касса хисобидаги пул маблагларини уз ичига олади.

**Номоддий активлар** – хисоб-китоб тоифаси. Номоддий воситаларга физик хусусиятларга эга булмаган, аммо корхона активига кушилган ва одатда унинг фойдаланиш муддати даврида амартизация туловларини талаб килади. Уларга куйидагилар киради: патентлар, лицензиялар. Уларнинг бир кисми узининг дастлабки кийматини йукотади ва вакт утиш мабойнида фойда келтиради.

## **II. Кичик бизнесни молиявий ресурс монбалари.**

унча куп булмаган янги ишхбилармонлар уз ишларини узлари молия билан таъминлайдилар. Купчилик кишилар оз микдорда булса хам ташки манбаларга мухтоҷ буладилар.

Пул ресурсларининг туртта тоифаси мавжуд:

1. Савдо кредити – Хакикатдан бу товар киймати хисобланади.

2. Киска муддатли кредит – Банклар ва бошка кредит берувчилар, бу каби кредитлар махсус максадлар-муддатли кредитлар эҳтиёж сифатида келгуси мавсумда сотиш учун берилади. Бу каби кредит учун карз бир йилга етмасдан узилади.

3. Узок муддатли кредит – Бир йилдан ортик муддатга корхонани кенгайтириш ёки такомиллаштириш учун берилади.

4. Акционерлик капиталида инвесторнинг катнашиши. – Бу каби ресурслар кайтарилмайди. Сиз воситаларни оласиз ва фойдани бир кисмини инвесторга берасиз.

Молиявий таъминлашнинг имконли манбалари куйидагилардир:

Тижорат банклари, молиявий ва инвестицион компаниялар, кредит идоралари, харидорлар, махсулот берувчилар.

Бугунги кунда кичик бизнесни куллашни узларининг асосий вазифаси деб хисоблайдиган давлат ва жамият ташкилотларининг сони купаймоқда. Улар факат молиявий ёрдам килмасдан балки (коида бўйича имтиёзли кредит шаклида) корхоналар кидириб топишади, ходимларни уқитиш ва бошка ишларда ёрдам беради.

### **III. Капитал инвестицияси ва унинг турлари.**

Кичик бизнесни ишбилармонлик тизимлари томонидан молия ресурслари кундалик харажатларини ва инвестицияни молия билан таъминлашда ишлатилади.

Инвестиция – бу молиявий ресурсларни турли фаолият, асосан ишлаб чикиришни ривожлантириш учун узок муддатли капитал киритиш шаклида бевосита корхонани күшимча фойда олиш ёки корхона компания ишига таъсир курсатиш ниятида кимматбахо когозларни сотиб олишда ишлатилади. Инвестициялар молиявий (кимматбахо когозлар билан бөглик операциялар) Хакикий (маблагларни узок муддатга моддий ишлаб чикиришга киритиш), аклий (интеллектуал) булишлари мумкин. Бундан ташкари куйидаги турлари хам мавжуд.

**1. Венчурли капитал** – бу таваккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади. У узини янги акциялар чикарувчи инвестиция шаклида курсатади. Булар янги акциялар чикарувчи инвестиция шаклида узини курсатади.

**2. Тугри инвестициялар** – бу хужалик юритувчи субъектнинг низом капиталига киритилган маблагдир. Ёки янгидан бунёд этилаётган корхона учун фойда куриш ниятида ва ушбу ишбилармонлик тизими бошкарувини бошкаришда катнашиш хукукини кулга киритиш учун ишлатилади.

**3. Портфел инвестициялар** – бу фойда олиш максадида саноат, кишлок хужалик, транспорт кредит ва бошка корхоналарга узок муддатли капитал маблагини киритишдир.

**4. Аннуитет** – омонатчига вакти вакти билан туланадиган пул маблагидир. (бадал, рента ва фойда).

Аннуитетнинг куйидаги турлари мавжуд:

А. Хар йили аннуитетлар – сугурталанганларга йиллик бадалларни тулаш.

Б. Булинувчи аннуитет – сугурталанган шахсни вактидан кейин меросхурлар орасида таксимланувчи даромад.

В. Кечикирилмайдиган аннуитет – сугурта шартномаси тузилгандан кейинги туланиши бошланган йиллик даромад.

Г. Кечикирилган аннуитет – сугурта шартномаси тузилгандан сунг маълум вакт утгандан кейин туланадиган йиллик даромад.

Д. Гурухли аннуитет – даромад ягона сугурта шартномаси асосида бир неча физик ва юридик шахсларга туланадиган даромад булиб сунг улар орасида таксимланади.

Инвестор – бу карор кабул килувчи ва узининг шахсий, карзга олинган маблагларини ва жалб килинган мулкий ва маданий бойликларини инвестицион лойихага киритувчи жисмоний ва юридик шахсдир. Инвестор карори билан инвестицияларга эгалик килиш, ишлатиш, фойдаланиш хукуки ва уларнинг натижалари билан жисмоний ва юридик шахсларга конунда курилган тартибда бериши мумкин.

#### **IV. Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш**

Тадбиркорлиқда унинг молия ресурслари ичидаги катта хажмда нақд пуллар булиши мумкин. Шунинг учун пул масаласини сотиб олиш кобилиятини аниклашда муҳими вакт омилини хисобга олишдир. Пул воситалари бир хил номинал кийматга эга була туриб хозирги вактда ва маълум вакт утгандаги хар хил сотиб олиш кобилиятига эга булади.

Дистонтлаштириш – бу хар хил йиллардаги иктисадий курсаткичларни вакт буйича солишириш турига келтиришдир. Ушбу операция шунга асосланганки, хар кандай келажақда олинадиган пул маблаги айланишга киритилиб, фойда келтиришга мажбур килинса, унда уч йилдан сунг пул миқдори факатгина сакланиб колмасдан. Балки купайиши хам мумкин.

Инвестициялардан келадиган даромадни дисконтлаштириш – бу келажақда олинадиган умумий пул кийматини хозирги пул кийматига нисбатан аниклашдир.

Устирилган пулни аниклаш ва дисконтни хисобга олиб күшимча даромадни аниклашда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Fc = P_c (1+i)^n$$

Бу ерда:

$F_c$ -Келажақдаги пул маблаги (кутилган киймати). Сумма.

$P_c$ -Пулнинг бошлангич киймати (хозирги жорий) сумда.

(1+i)-дисконт коэффициенти, яъни даромадли меъёри ёки фоиз кийматининг биринчи булаги.

п-даромадни жамгарилишдаги йиллар сони ёки капитал айланишлари сони.

$$\Delta = P_C (1+i) n - P_C.$$

Бу ерда:

Д-кушимча даромад.(сум).

#### **V. Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.**

Кичик бизнеснинг ишбилармонлик таркибларини кредит билан таъминлаш – бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга хужалик фаолиятини амалга ошириш учун беришdir.

Кредит билан таъминлашнинг куйидаги турлари мавжуд:

1.Хужалик юритувчи субъектларга пул ссудаларини ёки товарни капитал урнида тугридан-тугри бериш шакли.

2.Хисоб-китоб турларидан бири сифатига кредит билан таъминлаш, яъни тулов мухлати узайтирилганлиги хисоби билан.

Кредитнинг асосий вазифаси пул воситаларини кайтариб бериш шарти билан корхоналар, ташкилотлар орасида таксимлаш ва вактинча буш пул маблагларини самарали ишлатишдан иборатdir.

Кичик бизнесда кредит билан таъминлаш кенг шаклларда тасаввур этилади. Бу ерда куйидаги кредитлар ишлатилади: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи, халкар. Уларнинг хаммаси кредит берилиш муддатига караб киска муддатли (1 йилгача), урта муддатли (1-3 йилгача) ва узок муддатли (3-йилдан ортиқ) булиши мумкин.

Тижорат кредити – товар шаклида (берилувчи) сотувчилар томонидан харидорларга берилувчи кредит бериб сотилган товарни кийматини оркарок суришдан иборатdir.

Банк кредити – корхоналарга, тадбиркорларга пул куринишида берилади.

Давлат кредити-давлат бюджетидан энг мухими замонавий ишбилармонлик лойихаларни амалга ошириши буйича тасдикланган дастурлар асосида берилади.

Истеъмолчи кредити-бу кредит шакли халкнинг истеъмол талабини кондириш воситаси сифатида хизмат килади ва пул ёки товар шаклида булиши мумкин.

Халкаро кредит – бу халкаро иктисадий муносабатлар соҳаси булиб. У турли давлатлар кредитлар ва карз олувчилар орасида ссуда бериш ишлатиш ва уни узиш буйича фоиз тулаш билан амалга оширилади. Халкаро кредит улчами ва уни бериш шарти кредит берувчи ва олувчилар уртасидаги кредит шартномасида уз аксини топади.

Очик хисоб буйича кредит билан таъминлаш – бу сотувчини доимий харидорга таъмин этмасдан ва тез фоиз туламасдан тулов муддати узайтирилган шаклдаги кредитdir.

Овердрафт-киска муддатли кредитлаш шакли булиб банклар амалиётида ишлатилади.

### Палабаларнинг уз-узини текшириш саволлари.

1. Кредит, дотация, нима?
2. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
3. Айланма фондлар деганда нимани тушунасиз?
4. Муомала фондлар деганда нимани тушунасиз?
5. Номоддий активлар нима?
6. Инвестиция нима?
7. Диконтлаштириш нима?
8. Инвестици турларини айтинг.

### Мундарижага кайтиш

**7 - Мавзу: Кичик бизнесда инвестицияларнинг лойихавий тахлили.**

**Р е ж а :**

**1.Инвестицион лойихалар тахлилиниң үзига хос жиҳатлари.**

**2.Инвестицион лойиха цикллари.**

**3.Инвестицион лойиха менежменти.**

**4.Инвестицион лойиханинг устиворлиги.**

**Адабиётлар: 2,3,7,9,12**

### Таянч иборалар:

Инвестиция, лойиха менежменти, стратегик режа, молия бозор, харажат, ялпи ички маҳсулот, меҳнат русурслари, маркетимнгни бошкариш, молиявий ресурслар, лойиха устиворлиги, жаҳон банки.

**I. Инвестицион лойихалар тахлилиниң үзига хос жиҳатлари.**

Узбекистон Республикаси амалга оширилаётган иктисадий ислохотларни янада чукурлаштириш иктисадиётдаги таркибий узгаришларни жадаллаштирилишни талаб этади. Бу эса уз навбатида катта хажмдаги сармояларни (инвестицияларни) жалб этилишини таказо этади.

Эспертиза тахлиллари шуни курсатмоқдаки, якин ун йиллар ичиде бевосита чет эл инвестициялари шаклидаги халкар оқимлари хажми янада ошади.

Жаҳон банки таъкидлашича 1996-2005 йиллар мабойнида ривожланаётган мамлакатлар, уз иктисодиётларга аввалги 10 йилдагига караганда купрок инвестиция йуналтирилиш керак. Улар Я.И.М даги инвестициялар улуши уртача хисобда 1985-1994 йиллардаги 24 % дан 1995-2004 йилларда 27-28 % гача яъни йилига 1,7-1,8 трлн АҚШ доллариға ошади.

Ривожланаётган мамлакатлар хозирги утиш даври иктисодиётига эга мамлакатлар улуши эса ошиб боради. Россия Фанлар академиясига карашли (И.М.Э.М.О) институти олимлари амалга оширган баҳолаш хисоблари 1-жадвалда келтирилган.

#### **1-жадвал**

Жаҳондаги мамлакатлар 3 та гурӯҳ уртасида янги чет эл инвестициялари оқимининг бевосита таксимланиши

Мамлакат гурӯхлари	1995	2000	2005	2010	2015
Ривожланган мамлакатлар	64,5	60,0	54,7	48,6	41,1
Ривожланаётган мамлакатлар	31,7	35,0	39,0	43,3	48,1
Утиш даври иктисодиётига эга малакатлар	3,8	4,9	6,3	8,1	10,5

1995 йилда 2001 йилгача булган даврда Узбекистонда капитал куйилмалари умумий хажмда барча турдаги чет эл инвестициялари улуши 14-21,7% гача яъни 1,5 баробар ошган. Аммо хозирги кунда бу етарли эмаслиги куриниб турибди. Айникса ишлаб чиқариш максадларига йуналтириладиган чет эл инвестициялари етишмаётгани аник сезилмоқда. Бу Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йилдаги ижтимоий иктисодий ривожланиш яқунлари иктисодий ислохотлар бориши ва 2002 йил вазифаларига багишлаб 2002 йил 14 февралда утказилган Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажлиссида сузлаган нутқида курсатиб утди. «Хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш ишлари суст олиб борилмоқда. 2001 йили иктисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий хажмидан факат 13,4% гина бевосита амалга оширилди».

Бу уринда Узбекистонда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш йулида тусик булаётган асосий омиллар орасидаги куйидагиларни алоҳида ажратиб курсатишимиш мумкин.

- Ахоли жон бошига тугри келадиган ялпи ички маҳсулот даражаси юкори эмаслиги туфайли мамлакат ички бозори чет эллик шериклар учун кизикарли эмаслиги;

- Миллий молиявий тизимнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, нотуловлар мавжудлиги, хусусий инвестициялар даражаси юкори эмаслиги, хусусий тадбиркорлик яхши ривожланмаганлиги;
- Бозор ва ишлаб чикариш инфратузилмасини ривошлантиришда камчиликлар борлиги;
- Мамлакатимизга ва мамлакатимиздан ташкарига юк етказиб бериш ва транспорт харажатлари юкори даражадалиги;
- Мамлакатимизга нуфузли халкаро рейтинги агентликлар берадётган инвестиция рейтинглари унча юкори эмаслиги ва бошкалар.

Жаҳон банки усули буйича лойиха тахлили вазифасига лойиха кийматини белгилаш киради. Лойиханинг киймати унинг ижобий натижалари киймати ва салбий натижалар айрмасига, яъни лойиха киймати «Фойда-харажат»га тенг.

Лойиха кийматини аниклаш учун уни барча натижаларини баҳолаш ва лойихадан олинадиган фойдани ва уни амалга ошириш харажатларидан устун эканлигини баҳолаш керак булади, чунки купдан куп иморат ва иншоотлар келажақда узок даврлар утгандан кейин уларни хозирги вактда лойиха буйича зарурый харажатлари билан таккослаш бутунлай мумкин булмай колиши мумкин. Баъзи бир харажатларни ва лойиха натижаларини, масалан, курулиш мантаж ишларини осон улчаш, кийматлаш мумкин булади. Баъзи ходимларни уқитиш сон ва сифат жихатидан улчаш мумкин, аммо саноат ишлаб чикариш ва кишлок хужалик фаолиятида талаб даражасида хакикий натижаларга баҳо бериш асло мумкин эмас.

Лойиха фойдаси ва харажатлари кўйидаги тутган уринлари билан баҳоланади:


1. Техниковий тахлил: (Лойиха техника жихатидан асосланганми);
2. Бозор тахлили : (Лойиха маҳсулотига талаб борми);
3. Молия: (Лойиха молия нуктаи назардан яшовчанми, Лойиха учун килинган харажатлар истеъмолчи хисобига кайтариладими);
4. Экология: (Лойиха атроф мухитга кандай таъсир курсатади);
5. Институционал тараккиёт: лойиха учун жавоб берадиган ташкилот лойихани амалга ошириш ва уни ишлатишда раҳбарлик кила оладими;
6. Лойихани ижтимоий ва маданий муносабатларда ишлатилиши;
7. Иктисад: лойихани ижобий натижалари уни амалга оширишдаги ва ишлатишдаги харажатлардан устун келадими.

## **II. Инвестицион лойиха циклари.**

«Лойиха цикли» тушунчасига лойихани ишлаб чикариш ва амалга ошириш боскичлари киради. Жаҳон банки лойихалар учун мухим ахамиятга эга булганлар. Куйидаги чизмада олтита боскич курсатилган.

Вазифаларни белгилаш





### 1-чизма. Лойиха цикли.

Вазифаларни белгилаш. Циклнинг биринчи боскичи тараккиёт топтиришнинг мухим масалаларини бажаришини таъминлаб асосий белгиловчи холларни танлашда тегишилдири.

Ишлаб чикириш. Бунинг учун лойиханинг барча параметрлари, яъни хар томонлама узлуксиз аниклаб куриб чикилади, яъни лойихани техник характеристкаси, унинг атроф-мухитга таъсири иктисадий самарадорлиги.

Текшириб чикиш-лоихага молиявий пул ажратишдан олдин утказиладиган охирги баҳо хисобланади. Ундан келажакда куп фойда келтирилиши мумкинлиги аниклаб чикилади.

Келишув жараёни- бу жараёнда банк ва карз оловчи лойиха бажарилишини таъминлашга алокадор чора тадбирларни куриб чикадилар.

Амалга ошириш - бу боскичда лойиха керакли ташкилотларга таркатилади. Амалга ошириш этапида барча куринишдаги ишлар кузатиб борилади ва назоратга олинади.

Бахолаш – этапида куйидагилар аникланади: кейинги лоихалардан фойдаланиш учун лойиха максади аниклаганлик даражаси баҳоланади ва тажриба хулосалари баҳоланади.

### **III. Инвестицион лойиха менежменти.**

Инсонлар лойиха максадида эришиш учун аник максади билан ишламасалар хеч кайси лойиха самарали булмайди.

Лойиха максадини аниҳлаш ва уни режалаштириш ишга рахбарлик ва иш бажариш жараёнида ёрдам бериш менежер учун асосий вазифа хисобланади. Иш жараёнини назорат килиш, бюджетни кузатиб бориш, ишлаб чикириш хажми ва лойиха ресурсларни кузата билиш менежерлик асосий вазифаси булиб колади.

Менежментнинг тажрибаси бажарадиган фаолияти ва контексти. Контекст деганда лойиха бажарилаётган ташки ва ички муҳит, режаси ёки режалаштираётган бизнес тушунилади.

Ташки муҳит уз ичига куйидаги омилларни олади.

1. физикавий омиллар: танланган жой, икlim жуғрофик тузилиш хусусиятлари.

2. Иктисодий омиллар ;Ички ва халкар;

3. Маданий ижтимоий ва сиёсий омиллар;

4. Технологик омиллар;

5. Лойиха эгаси –давлат ёки дериктор кенгаши акционерлар ёки хусусий шахс;

6. Фойдаланувчи, бозор, харидор, мижоз фойда олувчи шахс ва хоказолар ана шуларнинг талаб истакларини эътиборга олиш керак;

7. Иш шароитига жавобгар булган бош ташкилот вазирлик ёки корпаратия;

8 Лойихали бошқарувчи команда ёки бизнес штатидаги ходимлар.

Менжмент вазифаси ва бажарадиган ишдаги фаркини аниклаш жуда мураккаб.

Мениджментнинг 6 хил вазифаси мавжуд:

1. Рахбарлик, менежерлар командасига бажарадидаган максад вазифасини аник ва тушинарли килиб бера олиши.

2 Режалаштириш. Режалаштириш 2 хил булади.

А) стратегик режа-максад ва мижоз уртасидаги ижтимоий иктиносидий мухит.

Б) Харакат режаси-бу ишлаб чикариладиган маҳсулот сифати ,унинг иктиносидий самарадорлиги ва бошқариладиган иш хокимлиги белгилайди.

3. Ишга рахбарлик килиш ва ёрдам бериш.

А) Мехнатни булиниши, моддий ва молиявий ресурсларни таксимлаш

Б) Иш дастурини бажариш

4. Мувофикаштириш

а) ташки ва ички муносабатлар хамда ахборотлар.

5 Бажарилишни назорат килиш

а) Хар бир соҳали материалли, молиявий томонини, бухгалтерия хисоботларни ва ижтимоий омилларининг назорати

б) вакти-вакти билан иш бажарилишини назорат килиш

6 Натижага мулжал. Мукофатлаш тизимини куллаш.

Мохирликнинг ривожланиши менежментнинг куйидаги асосий вазифалардан иборат:

1. мехнат ресурсларини ривожлантириш.

А) Ишни нимадан иборатлигини ёзиб чикиш ва ишловчилар штатини жамлаш режаси;

Б) Лойхани шакллантириш;

В) Штатдаги ходимларга ва маслахатчиларга раҳбарлик килиш;

2. Ишга олинаётган кадрларни миқдор жихатидан самарадорлиги;

А) Билими;

Б) Мажбурияти;

3. Ходимлар орасидаги алокалар.

А) Штабдаги ходимлар ва булимлар уртасидаги мажбурият ва жавобгарлигини таксимлаш;

Б) Айрим ходимлар ишини режалаштириш ва уни баҳолаш усули;

В) Ишни тугри ташкил этишни ургатиш;

Г) Сухбат ва маслаҳат ташкил этиш;

Е) Мажлис утказиш;

Д) Муаммоларни ажратиш ва уни ечиш;

Ж) Узининг иш вактини режалаштириш;

4. Амалга ошириш

А). Режалаштириш йуллари ва уни амалга оширишни назорат килиш;

Б). Тизимлар ва усуулар

В). Таклифлар, хизмат курсатиш ва хом-ашё сотиб олиш;

Г). Ишлаб чикириш ва мохиятларини бошкариш;

Е). Маркетингни бошкариш;

5). Молиявий ресурсларни ва менежмент;

А). Харажатларни хисолаб чикиш ва баҳолаш;

Б). Иктисадий ва статистик усуулар;

В). Жамгарма фодини бошкариш;

Г). Молиявий назорат ва тафтиш;

6). Ахборот тизимларини бошкариш;

А). Ахборот тизимлар;

Б). Сифат микдорини кузатиш;.

в) Иш графигини текшириш.

г) Иш холатини хисоботи ва назорати.

#### **IV. Инвестицион лойиханинг устиворлиги.**

Куп иктисадчилар ва халкаро ваколатхоналар лойиха узокка чидамлилигини тараккий эттиришда шуни аникладиларки, лойиханинг давомийлик кобилияти унинг иктисадий самарадорилгини таъминлашга боғлик эканлигини топади. Жаҳон банкининг иктисадий ривожлантириш институти (Ж..Б.И.Р.И.) лойиха устиворлигини куйидагича аниклайди: агар лойиха бир неча йил ишлагандан сунг олинган фойда олдиндан кузланган фойдага тенг ёки куп булса, унда лойиха чидамли деб хисобланади.

Лойиханинг устиворлиги купинча унинг микдорий курсаткичларида курсатилса хам унинг сифат курсаткичи асосий хисобланади. Ишлаб чикириш тармокларида лойихалар учун масалан саноатда унинг фаолиятдаги ишлаб чикириш хажмидаги фойдаланиш коэффициенти билан аникланади.

Жаҳон банки иктисадий ривожланиш институти таъкидлаши буйича устиворликни аниклаш меҳнат ресурсларини тараккий эттиришда хам микдор курсаткичига эътибор бериш керак. Лойиха устиворлиги нисбий тушунча, у куп курсаткичлар билан баҳоланиши керак – бу курсаткичлар

лойиханинг сифати ва микдор жихатидан фаолиятини бирлаштирилади. Асосий гоя унинг умрбокийлигини аниклаш.

Лойихани чидамийлигига бир канча омиллар таъсир курсатади. Ж..Б.И.Р.И. 4 та асосий омилни фарклайди: иктиносидий ва молиявий, техник, ташкилий ва стратегик.

### Палабаларнинг уз-узини текшириши саволлари.

1. Лойиха тахлилини нечта булими бор, таърифлаб беринг.
2. Лойиха тахлили вазифасига нималар киради?
3. Лойиха цикллари деганда нимани тушунасиз?
4. Контекст деганда нимани тушунасиз?
5. Ташки мухит уз ичига кандай омилларни олади?
6. Менежментнинг вазифаси ва бажарадиган иши.
7. Лойиха устиворлиги кандай аникланади?
8. Лойиха киймати нима?

### Мундарижага кайтиш

## **8-Мавзу; Кичик бизнесда банкротлик.**

**Р е ж а :**

**1.Банкротлик-ракобат курашининг объектив ходисасидир.**

**2.Кичик бизнес корхоналари инкиrozга учрашининг асосий сабаблари.**

**3.Кичик бизнесда хужалик юритувчи субъектларни тугатиш ва кайта ташкил этиши шарт – шароитлари.**

**4.Ишдан бушатилаётган ишловчиларнинг хукукий кафолотлари.**

**Адабиётлар: 1,2,3,7,9,11**

### Таянч иборалар:

Банкрот, санация, аддий акция, имтиёзли акция, ракобат, кредиторлар, молиявий натижалар, низолар, фойда, иктиносидий фойда, бухгалтерия фойдаси, кредит, тинчлик келишуви.

## **1. Банкротлик-ракобат курашининг объектив ходисасидир.**

Узбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Банкротлик тугрисида»ги конуни кредиторларнинг даъволарини кондириш максадида хужалик юритиш субъектлари булмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот булган деб эътироф этиш шартлари таркибини белгилаб берди.

Конун мулкчилик шаклидан катъий назар Узбекистон Республикаси худудида хужалик фаолияти билан шугулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан бошка давлатлар хужалик юритиш субъектларнинг мулкий муносабатларига нисбатан тадбик этилади.

Ушбу конун уз фаолиятини Узбекистон Республикаси давлат бюджети маблаглари хисобидан амалга ошириладиган корхоналарга нисбатан тадбик этилмайди.

Банкротликнинг дастлабки белгиларига куйидагилар киради:

- А) Хисботлар берилишининг кечикирилиши.
- Б) Баланс ва молиявий натижалар тугрисидаги кисботлар тизимидағи кескин узгаришлар.
- В) Корхоналардаги низолар чикарилаётган карорларнинг купайиб кетиши.

Узбекистон Рерпубликаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тугрисида»ги конунчиликни амалга оширишга доир чора тадбирлар тугрисидаги ПФ – 1658-сон Фармонига асосан ишлаб чикилган «Иктисадий ночор корхоналарни санациялаш тугрисида» ги Низом хужалик юритувчи субъектлар - карздорларнинг тulos кобилиягини согломлаштириш хамда тиклаш максадида утказиладиган ночор корхоналарни санациялаш масалаларини тартибга солади.

Корхонани санациялашнинг давомийлиги 18 ойдан ошмаслиги керак.

Низомда таъкидланишича, хужалик судининг карорига мувофик нодавлат корхоналари учун санациялаш даври 6 ойгача узайтирилиши мумкин.

Санациялаш бошланишидан 12 ой утгач кредиторнинг талаблари умумий суммасидан 40% кондирилиши лозим.

Банкротлик бу хужалик юритувчи субъектнинг иктисадий кашшоклиги, уни карз мажбуриятлари буйича тulos кобилиятысизлиги, хужалик судининг карори билан ошкора эълон килинганлигидир, уз ишининг маъноси билан банкротлик бу бозор иктисадиётидаги оддий холат, ракобат курашидаги табиий жараёндир, унда ночор тадбиркор таркиби узининг хужалик фаолиятини тухтатишидир. Ракобат курашининг натижаси-бу ишлаб чикариш тараккиётини ишдаги ташаббусни рагбатлантиришдан иборат.

Хужалик юритувчи субъектларини банкрот булиш моҳияти барча кредиторлар талабини кондиришдан иборат, яъни улар манфаатини кондиришдир. Банкротликка учраган тадбиркор ёки корхона мулкини сотишдан асосий максад кредиторларга карзни кайташидан иборатдир. Шу билан бирга купчилик давлатлар конунияти шу жумладан бизнинг республикамида хам оғир молиявий ахволга тушган, хужалик юритувчи

субъектга ёрдам курсатишга аввалги тургинликни тиклашга ва яна тулаш кобилиятига эга булишига йуналтирилган.

Банкрот – бу жисмоний ёки юридик шахс (Хужалик юритувчи субъект), хужалик суди карори билан ошкора иктиносидий кобилиятысиз карздор деб аталишидир.

## **2.Кичик бизнес корхоналари инкирозга учрашининг асосий сабаблари.**

Тадбиркорлик таркибининг фаолиятини иктиносидий натижалари сезиларли тебранишларга мойилдир ва улар куп омилларга боғлиқ. Бу эса купчилик хужалик юритувчи субъектлар кутарилиш ва пасайиш боскичларини босиб утади. Куплари банкротликка якинлашсалар, бошкалари банкротликка учрайдилар.

Чет давлатлардаги куп йиллик корхоналарнинг оёкка туриши ва тараккиётiga оид тажрибалардан келиб чикадики, фирмани молиявий кризиси ва банкротлигининг сабаблари – бу талабни кискартириши, ишлаб чикириш хажмини пасайиши, уни издан чикиши ва маълум бошкарув тизимининг йўклигидир.

Тараккиёт топган тургун иктиносидий ва сиёсий тизимга эга давлатларда банкротликга 1/3 кисмига ташки омиллар ва 2/3 кисмига ички омиллар сабабчи булар экан.

Бизнес амалиётида банкротликни олдиндан айтиб бериш учун Е. Альмашнинг «Z-хисоби» ишлатилади.

$$(1,2ОК+1,4*ДТ+3,3*АФД+СХ)$$

$$Z\text{-хисоб} = \frac{A+0,6*ОАБК/П}{}$$

Бу ерда: ДТ-даромадни кайта таксимлаш;

СХ-сотиш хажми;

А-барча активлар;

ОАБК-оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор киймати;

П-барча пассивлар.

Z-хисоб	Банкротлик эҳтимоли
1,8 ва ундан кам	Жуда юкори
1,81 дан 2,7 гача	Юкори
2,8 дан 2,9 гача	Мумкин
3,0 ва юкори	Жуда паст

Хужалик юритувчи субъектнинг банкрот булиш имконини баҳолашда куйидаги курсаткичлар нисбатини таҳлил килиш зарур:

-барча активларга оборот капиталини нисбати;

-карзларни акционерлик капиталга нисбати;

- барча пассивларни барча активларга нисбати;
- асосий капитални акционерлик капиталига нисбати;
- соф фойдани барча активларга, операциялардан келиб тушадиган нақд пулларни барча пассивларга нисбати;
- соф фойда плюс кредит буйича фоизни кредит буйича фоизларга нисбати.

### ***3. Кичик бизнесда хужалик юритувчи субъектларни тугатиш ва кайта ташкил этиши шарт – шароитлари.***

«Банкротлик» хакидаги конун давлат худудида хужалик юритувчи субъектлари билан биргаликда уларнинг мулк шаклидан катъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий муносабатларга таъсир курсатади.

Банкротлик институтининг максади уз хужалик фаолиятини давом эттираётган субъектларини ва уларнинг кредиторлари орасидаги узаро муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бу каби фаолиятини мумкин эмаслиги ёки йуклигига асос булмагандан кредиторларни талабини имкон борича кондириш, юридик шахс бакроти йукотиш, жисмоний шахсни карзларидан озод килишдир.

Карздорга (банкротга) нисбатан хужалик суди томонидан куйидаги чоралар курилиши мумкин: санация, тугатиш, тинчлик келишуви.

Бу ерда санация деганда таркибни кайта тузиш тартиби. Мулк хукукини узгариши, карздорни мулк томонидан, ёки ваколот берилган идора, ёки бошка шахслар томонидан ушбу карздорни ва унинг меҳнат жамоасини саклаб колиш ниятида молиявий куллаб-куватлаш тушунилади. Агар хужалик суди карздорни мулки банкротлик иши буйича олиб бориладиган ишлар харажатига етмаслигини айникса, унда суд карздорни банкрот деб эълон килади ва банкротлик ишини тугади деб хисоблайди.

Банкротликни эълон килгандан кейин хужалик суди томонидан тайинланган бошкарувчи кредиторларни ва карзларни хукук манфаатларини химоя килади ва банкротлик тугрисидаги ишни етказишга кумаклашади.

У карздорни мулкини бошкаради, унинг сакланишини ташкил этади. Кредиторлар талабини банкрот булган мулк хисобидан кондиради, карзларга юридик шахсга нисбатан уларни хужалик фаолиятини ташкил килади.

### ***4.Ишдан бушатилаётган ишловчиларнинг хукукий кафолотлари.***

Агар корхона банкрот деб топилса, корхонани бошкарувчи раҳбар меҳнат шартномаларини шартини бажаришни давом эттиради ёки уларни конуний хужжатларга асосан бекор килади.

Иш берувчилар банкрот деб топилганда уларнинг ишчиларига туланмаган маош компенсация сифатида давлат томонидан туланади, бунда

туланадиган пул микдори икки ойлик уртacha маошдан ортик булмаслиги зарур (агар республика конуниятида бошка нарса кузда тутилмаган булса).

Агар ишчиларга иш берувчини банкротлиги сабабли давлат компенсация туласа, меҳнат шартномасини тугатилишида ёки бошка конуний хужжатлар асосида банкротлик иши курилишида шу компенсацияни тулаган давлат идораси кредитор сифатида чикади.

Карздорни банкротлиги муносабати билан яшаб туриши учун пул маблаги – хаёт кечириш учун бутунлай маблаги булмагандан берилади. Бунда карздорнинг аризаси асосида хужалик суди унга ва унинг карамогидагиларига банкротнинг мулки хисобидан яшаш учун зарур булган маблаг микдорида икки ойгача тулаб туради. Айрим холларда, бу муддат хужалик суди томонидан узайтирилиши мумкин.

#### Палабаларнинг уз-узини текшириш саволлари.

1. Банкротлик нима?
2. Санация нима?
3. Банкротлик тугрисида конуннинг ахамияти?
4. Тадбиркорларнинг узига хос хато ва камчиликлари нималардан иборат?
5. Тинчлик келишуви нима?
6. Тинчлик келишуви кандай холларда тухтатилади?
7. Карздорга (банкротга) нисбатан хужалик суди томонидан кандай чоралар курилади?
8. Банкротликдан чикиш йулларини айтинг?

#### Мундарижага кайтиш



## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 1992 йил
2. Узбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
3. Узбекистон Республикасининг «Мулкчилик тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
4. Узбекистон Республикасининг «Корхоналар тугрисида»ги конуни 1991 йил 15 февраль.
5. И.А.Каримов «Узбекистон буюк келажак сари» Тошкент –1998 йил
6. И.А.Каримов «Дехкончилик тараккиёти-фаравонлик манбаи». Тошкент –1993 йил.
7. И.А.Каримов «Ижобий ишларимизни охирига етказайлик» Тошкент –1994 йил
8. И.А.Каримов «Тадбиркорлик ривожланиш манбаи». Тошкент –1993 йил
9. Ш.Мирзиёев, Ф.Окназаров, М.Урманов «Узбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши» Тошкент –1993 йил
10. Б.Зиёев «Бозор ва бошқариш асослари» Тошкент –1992 йил
11. С.Гуломов ва бошқалар «Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари» Тошкент –1996 йил
12. С.Гуломовнинг умумий тахрири остида «Менежмент ва бизнес асослари». Тошкент –1997 йил

## **Мундарижа:**

КИРИШ .....	5
1 - Мавзу; Кичик бизнес ва тадбиркорлик фанининг предмети ва вазифалари. ....	6
1. Узбекистон Республикасида бозор иктисодиётига утишининг асосий йуналишилари.	
2. Бизнес хакида тушунча, унинг турлари ва тутган урни.	
3. Тадбиркорлик тугрисида тушунча. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.	
4. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йуналишилари.	
2 - Мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ташкилий хукукий шакллари.	10
1. Хукукий тадбиркорлик тугрисида тушунча.	
2. Кичик корхоналар. Шерикчилик ва жамоа кичик корхоналари.	
3. Хиссадорлик жамияти. Очик ва ёпик турдаги хиссадорлик жамияти.	
4. Фирмалар, корпарациялар.	
3 - Мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан химоя килиниши. ....	15
1. Тижорат сири конун-коидалари баҳоланиш мезонлари ва маъноси.	
2. Тижорат сирини муҳофаза килиш ва ракобатчилар тугрисида маълумотларни конуний равишда олиш усуллари.	
3. Ихтиро ва рационализаторлик таклифлари муаллифлик хукукини химоя килиш.	
4. Махсулотни сертификация килиш.	
4-мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бизнес режа.....	20
1. Бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти.	
2. Чикариладиган махсулотларнинг сифат курсаткичлари ва улчов шакллари.	
3. Махсулот сотиш бозорини иктисодий баҳолаш.	
4. Ишлаб чикариш жараёни.	
5. Махсулотнинг ракобатбардошлигини башорат килиш.	

<u>5</u> -мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини кадрлар билан таъминлаш.....	25
1. <i>Кадрлар сиёсати ва кадрлар булимининг вазифалари.</i>	
2. <i>Ишловчиларни ёллаш ва танлашни режалаштириш.</i>	
3. <i>Ишчи-хизматчиларни укитиш. Укитишнинг коида усуллари.</i>	
4. <i>Укитиш дастурларининг тахлили.</i>	
5. <i>Бошкарув кадрларни ишбилармонлигини баҳолаш.</i>	
6. <i>ишичиларни иш жойларига жойлаштириш.</i>	
7. <i>Вазифаларни мансабга кура таксимланиши.</i>	
8. <i>Кадрлар кунимсизлиги билан боғлиқ харажатларни камайтишиш.</i>	
9. <i>Кадрлар ишини тақоммиллаштириш.</i>	
<u>6</u> – мавзу; Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаш ва кредит билан таъминлаш хусусиятлари. ....	36
1. <i>Молиявий ресурслар ва молиявий капиталнинг моҳияти ва тузилиши.</i>	
2. <i>Кичик бизнесни молиявий ресурс монбалари.</i>	
3. <i>Капитал инвестицияси ва унинг турлари.</i>	
4. <i>Инвестиция ва даромадларни дисконташтириш</i>	
5. <i>Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.</i>	
<u>7</u> - Мавзу: Кичик бизнесда инвестицияларнинг лойихавий тахлили. ....	41
1. <i>Инвестицион лойихалар тахлилининг узига хос жихатлари.</i>	
2. <i>Инвестицион лойиха цикллари.</i>	
3. <i>Инвестицион лойиха менежменти.</i>	
4. <i>Инвестицион лойиханинг устиворлиги.</i>	
8-Мавзу; Кичик бизнесда банкротлик.....	47
1. <i>Банкротлик-ракобат курашининг объектив ходисасидир.</i>	
2. <i>Кичик бизнес корхоналари инкиrozга учрашининг асосий сабаблари.</i>	
3. <i>Кичик бизнесда хужалик юритувчи субъектларни тугатиш ва кайта ташкил этиш шарт – шароитлари.</i>	
4. <i>Ишдан бушатилаётган ишловчиларнинг хукукий кафолотлари.</i>	
Фойдаланилган адабиётлар руйхати. ....	53